БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 28 (16.111) • 2 февраль 1975 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга оширмоқда, деб таъкидлаб ўтилади.

Саноат, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг ходимлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1974 йилда тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, совет халқининг моддий фаровонлигини ошириш соҳасида анча катта муваффақиятларга эришдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1974 йил декабрь Пленуми маъқуллаган ва СССР Олий Советининг сессияси тасдиқлаган 1975 йилги СССР халқ хўжалиги планига мувофиқ, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, меҳнат коллективлари ва ҳар бир меҳнаткашнинг конкрет иш программаси белгиланди.

Социалистик мусобақа, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантиришнинг, ишлаб чиқариш резервларини қидириб топиш ва улардан фойдаланишнинг, халқ хўжалиги планларини тўла ва ошириб бажаришнинг ҳамиша таъсирчан воситаси бўлиб келди ва шундай восита бўлиб қолаверади.

Республикадаги меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили бўлган 1975 йил халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтармоқдалар.

Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги барча корхоналар ҳамда ташкилотлар коллективлари тиғиз социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Уларнинг кўплари муқобил планларни ишлаб чиқдилар.

«Ташкенткабель», «Узбекхиммаш», «Красный двигатель» заводлари, Олмалиқдаги химия, Ўзбекистон металлургия заводлари, Ўтғачидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати, Фарғона тўқимачилик комбинати, Мўйноқ балиқ-консерва комбинати, Бухоро зардўзлик фабрикаси, «Узбекшахтострой», «Средазтрансстрой», «Узбекгидроэнергострой» трестлари, Қашқадарё область автотрести ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотларнинг коллективлари 1975 йил планини ва умуман беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақанинг ташаббускори бўлдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети қабул қилинган қарорда 1975 йилги халқ хўжалиги планини ва умуман беш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун юксак социалистик мажбуриятларни ҳамда тиғиз планларни қабул қилган саноат, қурилиш, транспорт, министрликлар ва идоралар корхоналари ва ташкилотлари меҳнаткашлари ва коллективларининг ташаббусини мақўлладилар.

Область, шаҳар, район партия комитетларига, партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига, министрликлар ва идоралларга, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область, шаҳар ва район ижроия комитетларига, хўжалик раҳбарларига ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишни 1975 йил халқ хўжалиги планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ва бошқа тармоқлардаги ходимларнинг бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасини кенг ривожлантиришга сафарбар қилиш топширилди.

Социалистик мусобақа аввалги йиллардагидек — камроқ чиқим қилиб, кўпроқ, сифатлироқ маҳсулот берайлик, — деган шиор остида ўтказилиши лозим.

Мусобақадошларнинг бутун куч-ғайрати иқтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, юксак сифат кўрсаткичларига эришиш учун қурашга қаратилиши лозим. Шу мақсадда қуйидагиларга эришмоқ лозим:

— ҳар бир корхонанинг планларни белгиланган номенклатура ва асортиментда бажаришига, кооперативлаштирилган тарзда етказиб бериш планларини ва шартномада олинган мажбуриятларни бажаришига эришиш;

— ишлаб чиқариладиган буюмларнинг сифатини тубдан яхшилаш, уларнинг техникавий даражасини ошириш, Сифат белгиси билан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш;

— илғор техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш, меҳнатни ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш вақтидан рационал фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини тез суръатлар билан ошириш;

— ишлаб чиқариш резервларидан энг кўп фойдаланиш, хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияни қаттиқ иқтисод қилиш, нобудгарчилик, чиқитлар ва ўринсиз сарфларни анча камайтириш ва йўқотиш;

— капитал маблағлар берадиган самарасини анча ошириш, ишга туширилиши лозим бўлган объектларни тезроқ ишга туширилиш, янгидан ишга туширилган қувватларни ўзлаштириш муддатларини қисқартириш ва мавжуд қувватлардан яхши фойдаланиш, ишлаб турган корхоналар ва цехларни реконструкция қилишни жадаллаштириш;

— саноатнинг барча тармоқларидаги корхоналар ва ташкилотларга халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари, министрликлар ва идоралар қуйидаги ишларни бажаришга даъват этилди:

социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, ишчилар ва хизматчиларнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришлари учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш;

илғор ишчилар, бригада, сменалар, участкаларнинг совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабанинг 30 йиллигини нишонлаш йўлидаги зарбдор меҳнат вахталарини уюштириш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббусини бутун чоралар билан кенг ёйиш;

план топшириқларини ҳар бир ишчига ўз вақтида маълум қилиш ва уларни бажариш, беш кунлик топшириқларини тўрт кунда бажариш, ходимларнинг миқдорини кўпайтирмай ва капитал маблағларни энг кам сарфлаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилиш ва шу асосда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда моддий ресурсларни тежаш ҳисобига пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ташкилотчилик ишларини олиб бориш негизида меҳнат унумдорлигини кўпайтириш борасида тўпланган ижобий тажрибадан кенг фойдаланиш;

цех, смена, бригада, участкалар коллективлари ўртасида мусобақани ривожлантиришга, турдош корхоналар ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, касблар бўйича якка-якка тартибда ўтазиладиган мусобақага катта эътибор бериш. Ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани, кекса ходимларнинг малакасини, ишчилар синфининг меҳнат традицияларини ёшларга ўргатишнинг энг муҳим формаларидан бири бўлган мураббийчиликни ривожлантириш. Ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани жорий қилиш — партия ва касаба союз ташкилотларининг, хўжалик раҳбарлари ва инженер-техник ходимларнинг энг муҳим бурчи деб ҳисоблансин.

Бир-бирига яқин ва турдош корхоналар ҳамда қурилишлар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, илмий тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари ўртасида социалистик мусобақани такомиллаштириш, меҳнат коллективларининг социалистик мусобақани янги, янада юксак даражага кўтарадиган муқобил планларни ишлаб чиқиш ва бажариш йўлидаги ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш — ички резервларни сафарбар қилишнинг муҳим воситаси, меҳнаткашлар ижодий активлигини рўёбга чиқариш ва уларни ишлаб чиқаришни бошқаришда бевосита қатнаштиришнинг актив формасидир.

Министрликлар ва идоралар республика касаба союз комитетлари билан биргаликда халқ хўжалиги тармоқлари бўйича 1975 йилги социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқиш вақтида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган вазифаларга ва ушбу қарорга амал қилишлари зарур.

1975 йилда республика социалистик мусобақаси давом эттирилади:

— Етакчи касблардаги ишчиларнинг социалистик мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга министрликлар (идоралар) ва республика касаба союз комитетларининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий дипломлари ва эсдалик совғалари топширилади;

— бригадалар (участкалар)нинг социалистик мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга министрликлар (идоралар) ва республика касаба союз комитетларининг «Тўққизинчи беш йилликни муддатидан илгари бажарганлиги учун» фахрий вимпеллари ва эсдалик совғалари топширилади;

— комсомол-ёшлар бригадаларининг социалистик мусобақаси ўтказилиб, энг яхши комсомол-ёшлар коллективига Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 24 та кўчма Қизил байроғи топширилади;

— корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг социалистик мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМнинг 120 та кўчма Қизил байроғи, дипломлар ва 135 минг сўмгача бўлган миқдорда пул мукофотлари топширилади, мусобақада ғолиб чиққан ҳар бир коллективга ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига сотиш учун 10 тадан 15 тагача енгил автомобиль ажратиб берилади. Тиғиз муқобил планларни қабул қилиб, уларни бажарган ва хом ашё ҳамда материалларни тежаш йўли билан пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаган коллективларга ана шу мукофотларнинг миқдори 25 процент оширилсин;

— шаҳарлар ва шаҳар районларининг социалистик мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 12 та кўчма Қизил байроғи, дипломлар ва 7,5-30 минг сўм миқдорида пул мукофотлари топширилади;

— Қорақалпоғистон АССР ва областларнинг мусобақаси ўтказилиб, ғолибларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг олтита кўчма Қизил байроғи ва дипломлари топширилади.

Министрликлар ва идораларга республика касаба союзлари комитетлари билан биргаликда 1975 йилда тармоқлар бўйича илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларининг республика социалистик мусобақасини ташкил этиш ишлари ва ўтказилиши ва натижалари ҳақида ахборотлар берилсин.

Мусобақа ғолибларини рағбатлантириш учун белгиланган тартибда кўчма Қизил байроқлар таъсис этилсин ва пул мукофотлари берилсин.

1975 йилда қуйидаги тартиб сақлаб қолинади:

— тармоқлар ичидаги корхоналар, қурилишлар ва ташкилотлар социалистик мусобақасининг якунларини ҳар кварталда (ярим йилда) тўплаш, уларга Ўзбекистон ССР Министрликлари (идоралари) ва республика касаба союз комитетларининг кўчма Қизил байроқларини ва пул мукофотларини топшириш тартиби;

— Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасининг якунларини тўплаш тартиби, ғолибларни рағбатлантириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 1974 йилда қабул қилинган қарорларида белгиланган тадбирлар ва пул манбалари.

Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаларининг якунларини тўплаш ва ғолибларни белгилаш 1975 йил халқ хўжалик планини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш якунларига қараб ўтказилади. Бунда беш йиллик топшириқларининг бажарилиши ҳисобга олинади. Саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини тўплаш вақтида Сифат белгиси ва юқори сифат категорияларига мос бўлиб тушадиган маҳсулотнинг салмоғи эътиборга олинади.

Область шаҳар ва район партия комитетларига касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари билан биргаликда ишлаб чиқаришнинг энг яхши намуна кўрсатган илғорлари ва новаторларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлашга ва республиканинг фахрий унвонларини олиш учун тақдим этишга рухсат берилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида республика Ҳурмат тахтасини таъсис этади. Тўққизинчи беш йиллик планни бажаришда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулотнинг сифатини яхшилашда энг юксак кўрсатгичларга эришган ҳамда 1975 йилги Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини олишга сазовор бўлган корхона ва ташкилотларнинг коллективлари ана шу Ҳурмат тахтасига ёзилади.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарган энг яхши кишилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни рағбатлантириш учун Совет Иттифоқи бўйлаб ва чет мамлакатларга саёҳат қилиш учун енгил шартлар билан 3 мингта туристик путёвка ажратиб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тугаллаш учун ўтказилаётган социалистик мусобақада жуда катта натижаларга эришган комсомол-ёшлар коллективларига ва ёш ишчиларга Ленин комсомолининг 4 та мукофотини бериш ва улар учун енгил шартлар билан 300 та туристик путёвка ажратиб бериш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Республика газеталари ва маҳаллий газеталар, журналлар редакцияларига ва нашриётлар, радио эшиттириш, телевидение ҳамда ҳужжатли кино редакцияларига тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари тугаллаш учун ишчилар, бригадалар, цехлар, корхоналар, қурилишлар, районлар, шаҳарлар ва областлар ўртасидаги умумхалқ социалистик мусобақасининг боришини оператив суратда, жуда равшан ва яққол ёритиш топширилди. Меҳнат коллективларининг ҳаётидан конкрет мисоллар келтириб, коммунистик қурилиш соҳасидаги қаҳрамонона ишларни, инсонни ахлоқий тарбиялаш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, социалистик коллективчилик ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишни шакллантириш соҳасида социалистик мусобақанинг ролини кўрсатиб бериш зарур. Республика газеталари ва маҳаллий газеталарда социалистик мусобақанинг борши ҳамда натижаларини кўрсатишга бағишланган махсус саҳифаларни чиқаришни давом эттириш керак.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, хўжалик органларининг раҳбарлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тугаллаш учун социалистик мусобақани ривожлантиришга доир ҳужжатларнинг маъноси ва аҳамиятини тушунтириб бериш соҳасида кенг иш олиб бориш керак, бунинг учун кўргазмали агитациянинг ҳамма формаларидан фойдаланиб, корхона олдида турган вазифаларни аниқ ва равшан формада кўрсатиб беришлари, меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш илғорларининг муваффақиятларини кенг пропаганда қилиш зарур. Тўққизинчи беш йиллик қаҳрамонлари — социалистик мусобақа ғолиблари хиёбонларини таъсис этишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси давлат комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Кинематография давлат комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети 1975 — 1976 йиллар планларида брошюра, плакат, ҳужжатли фильмлар чиқаришлари керак. Уларда совет меҳнатчилари — тўққизинчи беш йиллик зарбдорларининг қаҳрамонона образини ва уларнинг иш тажрибасини яққол кўрсатиб бериш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, қаҳрамон ишчилар синфи, инженер-техник ва илмий ходимлар, саноат, қурилиш, транспорт корхоналари ва республика халқ хўжалигидаги бошқа тармоқларнинг барча меҳнаткашлари умумхалқ социалистик мусобақасини кенг авж олдириб, 1975 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажаришни таъминлайдилар. Тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тугаллайдилар ва бу билан мамлакатимиз экономикаси ҳамда маданиятини янада юксалтиришни, совет кишиларининг турмушини яхшилаш ва фаровонлигини оширишни таъминлайдилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — БЕШ ЙИЛЛИККА!

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи коллективи беш йилликни муддатидан илгари тугаллаш учун иш суръатини оширмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддинов етакчилигидаги бригада аъзолари айниқса яхши кўрсаткичларга эришаяпти. Суратда: В. Терехов, С. Нуриддинов, Р. Бекиров ва И. Лозовский ўртоқлар (чапдан ўнгга) навбатдаги ишларни белгилаб олишмоқда.

В. Таран фотоси.

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ

Бутуниттифоқ илмий-ишлаб чиқариш конференциясида фан-техника тараққиёти ютуқларини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини механизациялаш ва электрлаштиришни янада ривожлантириш проблемалари муҳокама қилинди. Бу конференция 31 январь куни Москвада тугади. Конференция қатнашчилари мамлакат қишлоқ хўжалиги социалистик экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига дадил айланиб бораётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Олмаотадаги тантаналарда сўзлаган нутқида бундай деб таъкидлаган эди: қишлоқ хўжалиги учун бизга тобора кўпроқ машиналар зарур. Ихтисослаштирилган йирик ишлаб чиқариш талабларига мос бўлган ва прогрессив технологияни жорий этиш имконини берадиган янги ва энг янги техника керак. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу йўл-йўриқлари конференция қатнашчиларининг диққат-марказида турди. Улар бу йўл-йўриқларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни саноат негизига изчиллик билан кўчириш соҳасидаги наказ сифатида қабул қилдилар.

Конференцияда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР қишлоқ хўжалик министри Д. С. Полянский якунловчи нутқ сўзлади.

Конференцияда муҳокама қилинган проблемалар юзасидан ташкилий ва илмий-техникавий характердаги кенг тавсиялар қабул қилинди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госплани Раиси Н. К. Байбаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари З. Н. Нуриев иштирок этдилар. (ТАСС).

ДЕҲҚОНЛАР КЕНГАШМОҚДА

Тошкент область қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгаши бўлиб ўтди. Область партия комитетининг секретари М. Камолов ўтган йилги иш якунлари ва 1975 йилги вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан область қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари беш йиллик якунловчи йилини зарбдор меҳнат билан нишонлашга даъват этдилар. Шу йил учун социалистик мажбурият қабул қилинди.

* * *

ФАРҒОНА, 31 январь. (ЎзТАГ). Қишлоқ хўжалиги ходимларининг бугун бўлиб ўтган область кенгаши 1974 йилги план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунларини ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида фарғоналик меҳнатчилар олдида турган вазифаларни муҳокама қилишга бағишланди. Фарғона область ижроия комитетининг раиси Х. У. Умаров доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари 1975 йил учун социалистик мажбурият қабул қилдилар.

ГУЛИСТОН, 31 январь. (ЎзТАГ). Бу ерда Сирдарё область қишлоқ хўжалиги илғорларининг кенгаши бўлди. Кенгаш қатнашчилари ўтган қишлоқ хўжалиги йилининг якунлари ва 1975 йилги вазифалар тўғрисида область ижроия комитети раиси И. У. Қўчқоровнинг докладини муҳокама қилди. Тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили учун социалистик мажбурият қабул қилинди.

* * *

ТЕРМИЗ, 31 январь. (ЎзТАГ). Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги илғорларининг бугун бу ерда бўлиб ўтган кенгаши қатнашчилари 1974 йил якунлари ва беш йилликнинг якунловчи йилида қишлоқ меҳнатчиларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси Ғ. Н. Насриддинов доклад қилди.

Кенгаш қатнашчилари баланд руҳ билан 1975 йил учун социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу мажбуриятда пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш кўзда тутилади. Қашқадарё область қишлоқ меҳнатчилари билан аньанавий социалистик мусобақани давом эттиришга қарор қилинди.

ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ X СЪЕЗДИДА

ВИЖАЯВАДА, 31 январь. (ТАСС мухбири). Ҳиндистон Коммунистик партиясининг бу ерда ўтаётган X съезди муҳим халқаро масалалар юзасидан бир неча резолюция қабул қилди.

Съезд махсус резолюциясида фашист режимини ағдариб ташлаган демократик кучларнинг ғалабаси муносабати билан Португалия халқини табриклайди.

Съезд Чили халқи билан бирдамлик ҳақидаги резолюциясида фашизмга ва империализмга қарши, тинчлик, демократия ва мустақилликни ёқлаб чиқаётган Ҳиндистон жамоатчилиги Луис Корваланни ва бошқа сиёсий маҳбусларни озод қилиш, Чили халқининг демократик ҳуқуқларини тиклаш, фашист ҳарбий хунтани дипломатик ва иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўйиш йўлидаги халқаро ҳаракатда актив иштирок қилиши зарур деб таъкидлади.

Ҳиндистон Компартиясининг съезди Яқин Шарқдаги хатарли вазиятдан ғоят ташвишланаётганлигини билдирди. Исроилнинг ҳукмрон доиралари бу ерда Америка империализмининг ёрдами билан янги урушга тайёрланмоқдалар. Резолюция Яқин Шарқ хусусидаги Женева сулҳ конференциясининг ишини дарҳол яна бошлаш ва унинг ишида Фаластин озодлиги ташкилотини қатнаштиришга ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларини бажаришга эришишга даъват этади. БМТнинг резолюциялари Исроил қўшинларини босиб олинган барча араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни ва Фаластин араб халқининг миллий ҳуқуқларини тиклашни талаб этади.

Ҳиндистон коммунистлари Ҳинди-Хитой ҳақидаги резолюцияда Америка империализмининг ёрдами билан Париж битимларининг бажарилишига тўсқинлик қилаётган Тхиеу диктаторлик режимини қораладилар ва Вьетнам Демократик Республикаси ҳамда Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматларининг тинчлик йўлидаги ҳаракатларини қўллаб-қувватладилар.

Съезд империалистларнинг Ҳинд океанида ўз ҳарбий базаларини вужудга келтиришини қоралади. Бу базалар ана шу районнинг сохил бўйидаги давлатларини бевосита хавф остида қолдиради. Съезд Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш йўлидаги ҳамма ҳаракатларни изчил қўллаб-қувватлаётган СССРнинг позициясини табриклайди.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати министрлигига қарашли корхоналар ва ихтисослаштирилган совхозларнинг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан беш йиллиннинг якунловчи йили планини муддатидан аввал бажариш учун ўтказилаётган мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан ҳам, шунингдек унинг кўпчилик турларини ишлаб чиқариш юзасидан ҳам йилнинг биринчи ой программасини 30 январда бажардилар. Қўшимча суратда 2,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган план топшириғи 1 процент ошириб бажарилди. Маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ўтган йил январь ойидагига нисбатан 6,5 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги эса 3,5 процент ортди.

* * *

Республика Енгил саноат министрлиги корхоналарининг коллективлари 1975 йил планини муддатидан аввал бажариш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулот реализация қилиш январь ойи планини ошириб бажардилар. Январь ойида қўшимча суратда 3 миллион сўмликдан кўпроқ халқ учун зарур моллар реализация қилинди.

(ЎзТАГ).

„САЛЮТ-4" ПАРВОЗДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 1 февраль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станциясида А. Губарев ва Г. Гречко космик парвозининг учинчи ҳафтаси ниҳоясига етди. Москва вақти билан соат 12 гача станция Ер атрофини 588, шу жумладан, экипаж билан бирга 318 марта айланиб чиқди.

«Салют-4» орбитал станциясининг учиши давом этмоқда.

ДУСТОНА ВИЗИТ БИЛАН

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Сурия Араб Республикасига 1 февралда дўстона визит билан жўнаб кетди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ВА ҲАЁТ

ЖАНГОВАР СЎЗ БИЛАН

СИЁСИЙ АГИТАЦИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

Коммунистик партия сиёсий агитация масалаларига доимо катта эътибор бериб келмоқда. КПСС XXIV съездининг тарихий ҳужжатларида оммавий-агитация иши партия ташкилотлари фаолиятининг муҳим, масъулиятли соҳаларидан бири эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳозир республикамизда идеология фронтининг коммунизм идеалларига садоқатли минглаб эжойиб кадрлари актив фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, кўргазмали ташвиқот рассом-безовчилари муносиб ўрин тутади. Республика меҳнат коллективларида, уй-жойларда 6600 сиёсий докладчи, 52 мингга яқин сиёсий ахборотчи, 140 мингдан ортиқ агитатор, 77 минг сиёсий ташкилотчи, икки мингдан кўпроқ кўргазмали ташвиқот рассом-безовчилари оммавий-сиёсий иш олиб бормоқдалар. Уларнинг кўпчилиги яхши тайёргарликка эга бўлган, аҳоли билан ишлаш маҳоратини эгаллаган кишилардир. Ҳар ўн агитаторнинг тўққизи олий ва ўрта маълумотли. Партия сиёсатини тушунтиришда партия, совет, жамоат ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари актив қатнашмоқдалар.

Сиёсий агитация партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, хўжалик ва маданий қурилиш режаларини меҳнаткашларга чуқур тушунтиришга қаратилиши лозим. КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси, Марказий Комитетнинг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятлари, совет кишиларининг тинч, ижодий меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш тўғрисида толмай қилаётган гамхўрликлари суҳбат ва докладларнинг асосий мавзуи бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1974 йил) Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини, якунловчи йилнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ейдириш тўғрисидаги қарорларда қўйилган вазифаларни кенг меҳнаткашлар оммасига етказиш, уларда илгари сурилган муҳим масалаларни чуқур англаб олишларига эришиш агитация ходимларининг энг муҳим ишидир. Шу билан бирга улар ўзларининг жонли, жанговар сўзлари билан меҳнаткашларни янги зафарларни қўлга киритиш, тўққизинчи беш йилликнинг сўнгги йили топшириқларини ошириб бажариш, социалистик мусобақада илғорлар safida бориш учун курашга сафарбар этишлари лозим.

Партия ташкилотлари агитация ходимлари оммавий-сиёсий ишлар санъатини эгаллашлари ва бу соҳадаги билимларини оширишларига ёрдам беришлари зарур. Бунда мавжуд воситалар — доимий ҳаракатдаги семинарлар, узоққа мўлжалланган ўқув планлари асосида иш юритувчи тармоқ ва район семинарлари муҳим ўрин тутади. Сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари партия маорифи системасидаги машғулотлар орқали партиянинг актив ва малакали сиёсий жангчиларини тайёрлашга даъват этилгандирлар.

Агитатор қанчалик яхши тайёргарликка эга бўлмасин, унга назарий билим ва методик ёрдам ҳамиша керак. Партия ташкилотларининг тажрибасида шундай билим беришнинг турли формаларини кўрамиз. Шу нарса муҳимки, у ондасонда эмас, балки мунтазам олиб борилиши, бир системага эга бўлиши лозим.

В. И. Ленин пропаганда агитация ходимларини ғоявий-назарий жиҳатдан тайёрлаш манбаларидан бири эканлигини таъкидлаган эди. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пропаганда ва агитация бўлими агитация кадрларини ўқитишнинг анча мукаммал, янги системасини тузиб, партия комитетларига тақдим этди. 1974—1975 ўқув йилидан бошлаб синов тарзида барча областларда қўлланила бошланган, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар ҳамда кўргазмали ташвиқот рассом-безовчиларини ўқитишнинг янги план ва программалари партия XXIV съездида, КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисида»ги қарорида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология ишига доир қарорларида илгари сурилган талаблар асосида ишлаб чиқилди.

Сиёсий ахборотчиларнинг маъжуд доимий-ҳаракатдаги семинарлари, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларнинг мактаблари ва уларнинг алоҳида-алоҳида тузилган ўқув планлари кўп жойларда шу куннинг юксак талабларига тўла жавоб бера олмас, агитация кадрларига оммавий-сиёсий ишлар методикасини ўргатишда, сиёсий агитация илғор тажрибаларини умумлаштириш, ёйишда кутилган самарани бера олмас эди. Агитация ходимлари ўқувидаги бўш жойлардан яна бири, у партия ўқувидан ажратилган ҳолда олиб бориларди. Оқибатда агитация кадрлари машғулотларнинг иккита формасида ўқишга мажбур эдилар. Бунга хотима бериш мақсадида, область, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига агитация ходимларини тайёрлаш ва ўқитишнинг янги системасини жорий этиш тавсия этилди.

Янги системага кўра 7 тармоқ бўйича: марксизм-ленинизм университетларида сиёсий ахборотчилар факультетлари, сиёсий ахборотчилар мактаблари, марксизм-ленинизм асослари мактабларининг юқори тармоғида агитация ходимлари шуғулланадиган группалар, агитатор-атеистлар, агитатор-мураббийлар, кўргазмали ташвиқот рассом-безовчилари мактаблари, олий ўқув юртларида «Оммавий-сиёсий ишлар» курслари ташкил этилади. Агитация ходимларини ўқитишнинг юқорида айтилган барча формалари партия таълими системасига киритилади ва унинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Фақат олий ўқув юртларидаги курслар бундан мустаснодир. Партия ташкилотлари оммавий-сиёсий ишларнинг ғоявий-назарий ва методик даражасини янада кўтариш учун анча қулай шароитларга эга бўладилар.

Бир қатор партия ташкилотлари шу ўқув йилидаёқ мазкур план-программа асосида иш бошлаб юбордилар. Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона областларидаги, Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасидаги марксизм-ленинизм университетларида 7 та сиёсий ахборотчилар факультетлари ва бўлимлари очилди. Республика шаҳар ва қишлоқларида янги план асосида ташкил этилган 70 дан ортиқ сиёсий ахборотчилар мактаблари, 308 та агитация ходимлари таълим оладиган марксизм-ленинизм асослари мактаблари, 24 та агитатор-атеистлар, 29 та агитатор-мураббийлар, 10 та кўргазмали ташвиқот рассом-безовчилари мактаблари, олий ўқув юртларида 6 та «Оммавий-сиёсий иш» курслари фаолият кўрсатмоқда. Уларда агитация кадрларидан 14 мингга яқин киши ўз билимини, маҳоратини оширмоқда.

Бу йил сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар билан иш олиб борувчи пропагандистларни тайёрлашни муваффақиятли амалга ошириш зарур. Ҳозир ишлаётган марксизм-ленинизм университетларидаги сиёсий ахборотчиларнинг факультет ва бўлимлари, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар, сиёсий ташкилотчилар, рассом-безовчилар мактабларининг тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш 1975—1976 ўқув йилидан бошлаб, агитация ходимларини оммавий тарзда ўқитиш имкониятини беради. Сиёсий маориф уйлари ва хоналари ўз фаолиятларини агитация кадрларининг ўқишини ташкил этишни ва йўлга қўйишни ҳисобга олиб ташкил этмоқдалар.

Партия ташкилотлари агитация ходимларининг ўқишини ташкил этиш билан бирга, тарбиявий ишнинг синалган форма ва методларини такомиллаштириб ҳамда улардан ижодий равишда фойдаланиб, оммавий-сиёсий ишни янада кенгроқ, конкретроқ, таъсирлироқ олиб боришнинг янги имкониятларини қидирмоқдалар. Сиёсий ахборотчи, агитаторларга агитациянинг аниқ масалалари бўйича мунтазам йўл-йўриқ кўрсатиб туриш ҳам уларни амалда ўқитишнинг асосидир. Бундай йўл-йўриқни шароитга ва имконият га қараб ойда бир ёки икки марта кўрсатиш мумкин. Бунда, партия, касаба союз, хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари корхона ёки колхоз план ва социалистик мажбуриятларни қандай бажараётганидан, меҳнат коллективи ҳаётидан олинган турли масалалардан агитаторларни хабардор этадилар, галдари ишлаб чиқариш вазифаларини тушунтириб берадилар. Шу тариқа ташвиқотчилар ҳозирги сиёсий аҳволдан, шаҳар, район, область, республикада бўлаётган воқеалардан хабар топадилар.

Агитколлективлар фаолияти муттасил партия ташкилотларининг эътиборида бўлиши керак. Партия бюросида ёки коммунистларнинг йиғилишларида агитация ходимларининг ҳисоботларини эшитиб туриш бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга, ишларни янада яхшилаш йўлларини белгилаб олишга, оммавий-сиёсий ишнинг катта имкониятларидан фойдаланишга ёрдам беради. Бу, муҳим ишнинг таъсирчанлигини ошириб, тарбиявий ролини кучайтиради.

Р. РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлими оммавий-сиёсий ишлар секторининг мудири.

МАШҲУР САРКАРДА

(М. В. ФРУНЗЕ ТУҒИЛГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Москвадаги музейларда Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби, машҳур саркарда М. В. Фрунзе туғилган кунининг 90 йиллигига бағишлаб кўргазмалар очилди. Суратларда: 1. Ёш солдатлар СССР Революцияси музейида М. В. Фрунзе ҳаётига бағишланган кўргазмада. 2. Граждан уруши йилларида М. В. Фрунзе Бухорода бўлган эди. А. И. Интезаров ана шу воқеани катта полотнода тасвирлаган. Унинг мўйқаламига мансуб бўлган «Қизил Бухоро» асари ҳам кўргазмага қўйилган.

Д. Чернов фотолари.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг йирик арбоби, моҳир саркарда, шонли Совет Армиясининг ташкилотчиларидан бири, содиқ ленинчи Михаил Васильевич Фрунзе 1885 йил 2 февралда, Туркистон ўлка Еттисув областининг Пишпек шаҳарчасида фельдшер оиласида туғилди.

Михаил бошланғич таълимни Пишпекда олгач, 1896 йили Верний (ҳозирги Олмаота) гимназиясига ўқишга кирди. У ерда унинг акаси Константин ҳам таҳсил кўраётган эди. Аммо, бир йил ўтгач, отаси Василий Михайлович вафот этди. Акаука бўш вақтларида дарс бериб, ўқишни давом эттирдилар. Михаил зўр талант билан ўқиди ва олтин медаль билан гимназияни тугаллаб, 1904 йили, Петербург политехника институтининг иқтисод бўлимига ўқишга кирди. Студентлик ҳаётининг илк қадамларидаёқ Михаил большевикларга қўшилди, партиянинг фаол пропагандистларидан бири бўлиб иш кўрди.

1904 йилнинг ноябрь ойида М. В. Фрунзе социал-демократик партияга кирди ва ўз ҳаётини бутунлай ишчилар синфи, меҳнаткашлар, Коммунистик партия ишига, коммунизм идеалларига бағишлади. У улуғ сиймо В. И. Ленининг содиқ шогирди ва сафдоши, профессионал революционер, ажойиб ташкилотчи бўлиб етишди.

М. В. Фрунзе биринчи сиёсий революцион мактабни 1905—1907 йиллар революцияси даврида ўтди. 1905 йил 9 январь, қаҳратон совуқ, якшанба куни подшо тинч оломонни ўққа тутгирди. Салкам беш минг бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Петербургдаги бу хунрезлик «қонли якшанба» номи билан тарихга кирди. Шу куни подшога илтимоснома олиб бораётган 9 та ишчи колоннасининг бирида М. Фрунзе ҳам бор эди. Душман ўқи уни ҳам аямади. Михаил қўлидан яраланди. Кечқурун, ётоқхонасида жароҳатланган қўли билан онасига мактуб ёзиб, Вернийга йўллади. Унда қуйидагилар ёзилган эди: **«Тўққизинчи январда тукилган қонлар ўч олишни талаб қилмоқда... Йўл танланди. Мен ўзимни бутунлай революцияга бағишлайман. Мени тўғримдаги ҳабарларга кўйиб, пишманг. Таплаган йўлим, равон эмас».**

Революцион фаолияти учун чоризм М. В. Фрунзени таъқиб қила бошлади. У Петербургни ташлаб Москвага келишга мажбур бўлди. 1905 йилнинг май ойида РСДРПнинг Москва ва Шимол большевистик комитетлари М. В. Фрунзени Трифонич тахаллуси билан Иваново-Вознесенскга юборди. У қисқа давр ичида РСДРПнинг Иваново-вознесенск группасига асос солди.

1905 йилнинг декабрида Москва пролетариати қуролли қўзғолон кўтарди. Иваново тўқимачилари қўнғиллилар отряди тузиб Москва ишчиларига ёрдам жўнатди.

Отрядга М. В. Фрунзе бошчилик қилди. 1906 йил апрелида М. Фрунзе ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. У революция назариётчиси ва меҳнаткашлар доҳийси В. И. Ленин билан учрашди. Бу воқеа Стокгольмда, РСДРПни IV (Бирлаштирувчи) съездида бўлган эди. М. В. Фрунзе шу съездга делегат қилиб сайланган эди. 1907 йил эса у РСДРПнинг V съездига делегат қилиб сайланди .Лекин Лондонга бориш шарафига муяссар бўлгани йўқ. Чоризм айғоқчилари уни қўлга туширдилар ва қамоққа олдилар. Икки марта ўлим жазосига ҳукм қилинган Фрунзе етти йил каторгада бўлди.

1917 йил Февраль революцияси кунларида М. В. Фрунзе Белоруссияда революцион ҳаракатга раҳбарлик қилди. Минскда унинг ташаббуси билан халқ милицияси ва ишчи дружиналари ташкил этилди.

РСДРП(б) Марказий Комитети 1917 йилнинг августида Фрунзени Шуйга юборди. У ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Совети раиси лавозимида ишлаб, Октябрь революциясининг актив қатнашчиси бўлди. У бошчилигидаги Иваново ва Шуй ишчи ва солдатларидан ташкил этилган икки минг кишилик қуролланган отряд Москва пролетариатига ёрдамга келди. Октябрь баррикадаларида орттирган бой қўмондонлик тажрибалари унинг бутун ҳаётини Қизил Армия билан чамбарчас боғлашга сабаб бўлди. Шуларни ҳисобга олиб, В. И. Ленин, партия М. В. Фрунзени масъулиятли ҳарбий лавозимларга тайинлади. У ҳарбий округ комиссари, фронт қўмондони, ҳарбий штаб бошлиғи, Революцион ҳарбий кенгаш раиси ва СССР ҳарбий денгиз ишлари бўйича халқ комиссари лавозимларида ишлади.

Колчак, Врангель, Дутов ва бошқа оқгвардиячиларни тормор қилиш, Туркистонда босмачилик ҳаракатини тугатиш, Бухорони озод қилишга М. Фрунзе бевосита раҳбарлик қилди.

М. В. Фрунзе Туркистонда катта ишларни амалга оширди.

1919 йил ёзида М. В. Фрунзе Шарқий фронтни иккига бўлишни таклиф қилди. В. И. Ленин, партия Марказий Комитети, Главком 1919 йил 15 августда бу таклифни маъқуллаб Туркистон фронтини ташкил этди. М. В. Фрунзе қўмондон қилиб тайинланди. Бош штаб Самара шаҳрида жойлашди. Бу даврларда ҳам «Дутов бикини» Туркистонни Совет Россиясидан ажратиб турар эди. Туркистон фронтининг биринчи армияси қаҳрамонона жанг қилиб, 1919 йилнинг сентябрь ойида В. И. Ленин ибораси билан айтганда «Совет Россиясини Қизил Туркистон билан боғлайдиган йўлни очдилар».

М. В. Фрунзе Туркистонда бўлган даврида, ленинча миллий сиёсатни амалга оширишда моҳирлик билан иш олиб борди.

М. В. Фрунзе Туркистон билан Совет Россияси ўртасидаги амалий ҳамкорликни ўрнатишда ҳам ташаббускор бўлди. Ўша оловли йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва бошқа жойлардан В. И. Ленин номига жўнатилган телеграммалар бундан далолат бериб турипти.

Гражданлар уруши ғолибона тугалланганидан кейин М. В. Фрунзе Украина ва Крим қўшинлари қўмондони бўлиб ишлади. 1925 йилнинг 26 январида эса у СССР ҳарбий ва денгиз ишлари халқ комиссари қилиб тайинланди. Бу даврда унинг кучли таланти ва битмас-туганмас энергияси Совет ҳарбий фанини яратиш, Совет Армияси қурилишининг назарий асосларини ишлаб чиқишга қаратилди. У қатор нодир асар ва мақолалар ёзди.

Аммо бевақт ўлим, 40 ёшли М. В. Фрунзени 31 октябрь 1925 йили олиб кетди. Бу партия, давлат, Совет Армияси ва қаҳрамон халқимиз учун жуда катта жудолик эди.

Икки марта Қизил Байроқ ордени кавалери, халқ қаҳрамони, партия ва Совет давлатининг йирик арбоби, Совет ҳарбий фанининг асосчиларидан бири Михаил Васильевич Фрунзенинг азиз номи ва мардонавор ишлари совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният хотирасида яшамоқда ва яшайверади.

Э. ҲАЙИТБОЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти директорининг ўринбосари, тарих фанлари кандидати.

Қаҳрамон шаҳарлар шарафига

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ДЕКАДАЛАРИ

«Улуғ Ғалаба юбилейини муносиб кутиб олиш, уни меҳнат фронтида янги муваффақиятлар билан нишонлаш — ҳар бир совет кишисининг ватанпарварлик бурчидир». КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидаги ушбу сўзларни бутун халқимиз қизғин маъқуллаб кутиб олди. **«Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент»** газеталари бу даъватга жавобан, февраль ойидан бошлаб қаҳрамон шаҳарлар — Севастополь, Одесса, Киев, Новороссийск, Керчь, Брест, Минск, Волгоград, Ленинград, Москванинг буюк жасоратини улуғлаб, улар шарафига зарбдор меҳнат декадалари ўтказиш ташаббускори бўлиб чиқишди.

Ҳар икки газетанинг кеча оқшомги сони қаҳрамон Севастополь жасоратини улуғловчи материаллар билан чиқди. «Меҳнатимиз сенга бағишланади, қаҳрамон шаҳар Севастополь!» деган умумий сарлавҳа остида Севастополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Макаренко, ёзувчи Адҳам Раҳмат, Тошкент политехника институтининг кафедра мудири Б. Зайцев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Дадаш Бобожонов, «Тошкент» етакчи комасининг қаҳрамонона рейдлари гувоҳи В. Кузьмина ва бошқа ўртоқларнинг ҳаяжонли мақола ва эсдаликлари берилган.

«Муҳаббат ва матонат» сарлавҳали репортаж қаҳрамон шаҳар билан Тошкентнинг мустаҳкам дўстлик алоқаларидан ҳикоя қилади. Тошкентнинг Ильич кўчасидаги 46-уй. Унинг пештоқида шундай сўзлар ёзилган: «Бу уй аилиладан зарар кўрган Тошкентга Севастополь шаҳрида яшовчи Максимовлар томонидан инъом этилган». Улар Тошкентга йўллаган мактубларида бу уй ер ва боғни севадиган оилага берилишини сўрашганди. Тошкент шаҳар ижроия комитети илтимосни бажо келтириб, дўстларимиз инъомини Азимхўжа Исломхўжаев оиласига беришга қарор қилди. Бунинг боиси бор эди. Оиланинг уч фарзанди Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлди. Шулардан тўнғичи Тўхта Севастополь учун қурбон бўлди. Аммо фронт яхшилик ерда қолмади. Фронт қаҳрамонларининг жигарбандлари Максимовларнинг миннатдорчилик рамзи сифатида юборган уйида яшаяптилар. Ҳар икки хонадон кариндош тутинишган, бирбирларига борди-келди қилиб туришади.

«Тошкент»нинг алангали йўллари» сарлавҳали мақолада душман снарядлари илма-тешик қилиб юборган бўлса ҳам, Ватан олдидаги бурчини сидқидилдан бажарган «Тошкент» эсминецининг мард экипажи жасорати жўшқин сатрларда таранням этилади. «Тошкент» ўша ҳаёт-мамот жангларининг ниҳояти тўрт куни ичида минг-минглаб ярадорларни, хотин-қизларни, болаларни қуршовдан олиб чиқиб кетди, шаҳар мудофаачиларини ўқ дори билан таъминлаб турди. Ҳақиқатан ҳам «Тошкент» жасорат ва Совет байроғига садоқатнинг рамзи бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам унинг номи шаҳар майдонидаги «Мардлик» обидаси мармарига ўйиб ёзилган.

Бошқа материалларда ҳам совет кишисининг жасоратга тўла қаҳрамонлиги меҳр-муҳаббат билан тилга олинган. Шу жиҳатдан мазкур газеталарнинг бу иши таҳсинга лойиқдир.

1975 ЙИЛ МАРРАЛАРИ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «КАРШИСТРОЙ» БОШҚАРМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Каршистрой» бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXIV съезднинг қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон республикаси ва Коммунистик партиясининг олтин юбилейи йилида сув хўжалиги қурилиши ва совхозлар қурилишида катта-катта муваффақиятларга эришдилар.

117 миллион сўмлик пудрат ишлари бажарилди, 25 минг гектар суғориладиган янги ерлар, 91,7 минг квадрат метр уй-жой саҳни, бир қанча маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди.

Қарши магистрал каналида икки насос станцияси қуриб битказилди. Олтита насос станциясида планда кўзда тутилган 6 гидро агрегат ўрнига 10 та гидроагрегат ишга туширилди.

87,4 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Давлатга пахта сотиш плани 122 процент бажарилди. Бошқармининг қўриқ ерлардаги совхозлари давлатга 31,5 минг тонна ёки планга нисбатан 111 процент пахта сотдилар. Сабзавот, қовун-тарвуз, узум тайёрлаш планлари ҳамда топшириқлари тўла ва ошириб бажарилди.

«Каршистрой» бошқармаси қурувчилари ва ер ўзлаштирувчиларининг коллективлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига қилган Мурожаатига жавобан ўз зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

— пудрат қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани 25 декабргача 137,4 миллион сўмлик ҳажмда бажарилади. Йил охиригача пландан ташқари 1 миллион сўмлик ишлар бажарилади;

— 35 минг гектар суғориладиган янги ерлар фойдаланишга топширилади;

— қурилишда меҳнат унумдорлиги 0,2 процент оширишига ҳамда қурилиш-монтаж ишлари таннархи белгиланган топшириққа нисбатан 0,1 процент арзонлаштирилишига эришилади;

— илғор иш методларини жорий этиш, қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш, 75 та рационализаторлик таклифи ва ихтироларни жорий этишдан камида 650 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. 750 тонна цемент, 310 куб метр ёғоч-тахта, 80 тонна металл, 5 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади;

— фойдаланишга топширилдиган ҳамма объектлар «яхши» ва «аъло» баҳоларда битказилади. 30 бригада Н. Злобин методи билан ишлашга ўтказилади;

— беш йилликнинг тугалловчи йилида 110 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширилади. Машинада 60 минг тонна пахта терилади. Пахта ҳосилдорлиги планга нисбатан 1 центнер оширилади. Пахтанинг таннархи 1974 йилда эришилганига нисбатан 4 процент арзонлаштирилади. Пахта етиштиришда қўл меҳнати сарфи 6 процент қисқартирилишига эришилади;

— 126,2 минг квадрат метр уй-жой майдони фойдаланишга топширилади. Шу жумладан, пландан ташқари 500 квадрат метр уй-жой саҳни битказиб топширилади. 1072 ўқувчига мўлжалланган умумий таълим мактаблари, 750 ўринли мактабгача тарбия муассасалари, кунига 80 киши қабул қиладиган медицина пунктлари битказилиб ,ишга туширилиши таъминланади;

— қардош Иваново областига ёрдам кўрсатиш тартиби билан у ерда 500 гектар янги суғориладиган ер фойдаланишга топширилади ҳамда механизациялашган кўчма колоннанинг ишлаб чиқариш базаси қуриб битказилади.

Биз, «Каршистрой» ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари тўққизинчи беш йиллик якунловчи йили планини барвақт бажариш учун социалистик мусобақага чақирган «Голодностепстрой» бошқармаси коллективининг даъватига қўшилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезднинг Директивалари муваффақиятли амалга оширилиши учун ижодий куч-ғайратларимиз ва билимимизни сарфлаймиз, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматини ишонтирамиз.

*

ҚУҚОН ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1975 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Комбинат коллективи халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича тўққизинчи беш йиллик тўрт йили планини муддатидан олдин 27 декабрда бажарди. Беш йиллик бошидан бери амалга оширилаётган цехларни реконструкция қилиш вазифаларининг бажарилиши комбинат қувватини бир суткада 615 тонна ўрнига 760 тонна уруғни қайта ишлашга ошириш имконини берди.

Комбинат коллективи КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олиб, зиммасига қуйидаги социалистик мажбурият қабул қилди:

— йиллик планни муддатидан олдин, 10 декабрда бажарамиз. Планга қўшимча равишда 2 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Ишлаб чиқариш ҳажмининг 1970 йил даражасига нисбатан 33,6 процент ўсишига эришамиз. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 85 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришамиз.

— пландан ташқари 2460 тонна тозаланган ёғ, 265 тонна ёғли кислота ва 23 минг тонна донадор шрот ишлаб чиқарамиз;

— юк ортиш-тушириш ишларини механизациялаш даражасини 92 процентга етказамиз;

— маҳсулотнинг янги фармокопейн ёғи ва антранилат госсипол турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз;

— маҳсулотнинг ҳаммасини биринчи сортли қилиб ишлаб чиқарамиз;

— 45 тонна пахта ёғи, 25 тонна каустик сода, 150 минг киловатт-соат электр энергия ва 400 гикакалорий иссиқлик энергияси тежаб қоламиз;

— комбинатнинг Ҳамзаободдаги дам олиш уйини кенгайтирамиз. Ишчилар ошхонасида ўринлар сонини 100 тага оширамиз;

— корхона оталиғидаги Ўзбекистон районы Ленин номли колхозида намунали озуқа цехини фойдаланишга топширамиз, қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишга, дала шийпонларини жиҳозлашга ёрдам берамиз;

Комбинат ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари 1975 йил топшириғини муваффақиятли бажариш учун бутун куч, билим ва тажрибамизни сарфлаймиз, деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ва республика ҳукуматини ишонтирадилар.

Биз ёғ-мой саноатига қарашли барча корхоналарнинг коллективларини тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун, меҳнатда ва маҳсулот сифатини оширишда энг юқори кўрсаткичларга эришиш учун ишчилар, бригадалар, сменалар ва цехларнинг коллективлари ўртасида социалистик мусобақани кенг авж олдиришга даъват этамиз.

Ушбу социалистик мажбурият ёғ-мой комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

ТЕРМИЗ (ЎзТАГ). Бу ерда Сурхондарё область ва Термиз шаҳар саноат, транспорт, қурилиш, алоқа, маиший хизмат ташкилотлари ходимлари партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш иштирокчилари ўтган йилги социалистик мажбуриятларнинг бажарилиш якунлари ҳамда 1975 йил планини ва умуман беш йиллики муддатидан илгари бажариш тадбирлари тўғрисида область партия комитетининг иккинчи секретари В. К. Михайловнинг докладини муҳокама этдилар.

Йиғилиш иштирокчилари беш йилликнинг якунловчи йилига социалистик мажбурият қабул қилдилар.

«КОСМОС-706» ПАРВОЗДА

1975 йил 30 январда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-706» учирилди.

Йўлдошда космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган.

Аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координация—ҳисоблаш марказ олинган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

Самарқанд областидаги «Пайариқ» совхози механизаторлари техника ремонтини жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Ҳозиргача 50 дан ортиқ трактор ва ссялка сифатли ремонтдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилди. Суратда: «Оққўрғон» бўлимининг механиги Ҳ. Рўзиев, совхоз бош агрономи А. Раҳмонов ва бўлим бошқарувчиси Н. Сайнуров (чапдан ўнгга) тайёр техникани кўздан кечиришмоқда.

К. Турсунов фотоси.

Сўз—тажрибакорларга

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Ҳамма жойда деҳқон сарҳисоби бошланди. Биз ҳам беш йилликнинг ўтган тўрт йилига якун ясадик. Тўпланган тажрибаларни умумлаштириб, йўл қўйилган камчиликлар ва унинг сабабларини аниқладик. Келгусида ана шу камчиликларни такрорламаслик, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, хўжаликни комплекс юксалтириш режаларини туздик.

Муваффақиятларимиз чакки эмас. Сўнгги тўрт йил давомида хўжалигимиз экономикаси мустаҳкамланди, деҳқончилик ва чорвачилик равнақ топди. Халқ фаровонлиги ошди. Колхозчиларнинг меҳнат ҳақи кўпайди. Қишлоғимиз қиёфаси ўзгарди. Колхозимиз ялан бўйича тўрт йилда давлатга 16 минг 184 тонна пахта етказиб бериши керак эди. КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун мардона курашаётган колхозимиз пахтакорлари бу мардадан анча ўзиб кетдилар. Мамлакатга 18 минг 115 тонна «оқ олтин» армуғон этилди.

Айниқса ўтган йили колхозимиз меҳнат аҳли самарали ишлади ва пахтадан юксак хирмон кўтарди. Пахтакорларимиз сув танқислиги натижасида юз берган жуда катта қийинчиликларни қаҳрамонона меҳнатлари билан енгдилар ва барча майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Оқибатда фақат давлат планигина эмас, мажбурият ҳам анча ошириб бажарилди. Пландаги 4312 тонна ўрнига 5320 тонна пахта тайёрланди. 1617 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» йиғиб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўрта ҳисобда 6,3 центнер ошди. Топширилган пахтанинг 117 процента биринчи сортга қабул қилинди.

Тўхтахон Юнусалиева бошлиқ бригада пахтакорлари бундан ҳам юксакроқ маррани эгалладилар. Бу илғор бригадада ҳар гектар ердан олинган ҳосил 40 центнерга етди. Колхозимиз шароитида бу рекорд кўрсатичидир. Тунибек Тўпчибоев, Усмон Нишонов, Қорабой Абдиев, Таваккал Мирзаев, Меҳмонали Эралиев раҳбарлик қилаётган бригадаларда эса гектаридан 35-38 центнердан хирмон кўтарилди.

Даромад ҳам кўпайди. Хўжалигимиз бултур фақат пахтадан 3 миллион 630 минг сўм даромад қилди. Бу, мўлжалдагига нисбатан 1 миллион 159 минг сўм кўп. Шундан бир қисми бўлинмас фондга қўйилди. Қолган асосий қисми колхозчиларга тақсимлаб берилади. Ҳозир сарҳисобимиз тугалланай деб қолди.

Биз бу ютуқларга қандай эришдик? Ильич номли колхоз райондаги кам ҳосилли хўжаликлардан бири эди. Мен қўшни Димитров номли колхозда раис бўлиб ишлардим. 1973 йилнинг охирида мени шу қолоқ колхозга раис қилиб сайлашди. Ишни хўжаликнинг қолоқлик сабабларини ўрганишдан бошладим. Маълум бўлишича, бир хил ердан бир бригада кўп, иккинчиси оз ҳосил оларкан. Ернинг ҳар бир қаричидан тўла фойдаланилмас экан. Карта четлари ва бурчакларида, тутларнинг тагида қанчадан-қанча ер чигит экилмай қолиб кетаркан. Ортикча суғориш тармоқларини кўмиб ташлаш, тупроқ уюмларини суриш ва пахта майдонларини текислаш ҳисобига 8 гектар ер очдик.

Бир йилдаёқ ҳосилдорликнинг кескин кўтарилишига иккинчи сабаб, ерни қадрладик. Халқ орасида «ер тўйса эл тўяди» деган гап бор. Ерни маҳаллий ва минерал ўғитга тўйдирдик, уни соғломлаштириш чораларини кўрдик. Энг муҳими агротехника тадбирларини маромида ўтказдик. Кўчатнинг нормал қалинликда бўлишини таъминладик. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, техникадан оқилона фойдаланиш, кадрларни саралаш, тарбиялаш, жой-жойига қўйиш соҳасида самарали ишлар олиб бордик. Қилинган тинимсиз меҳнат зое кетмади.

Колхозда пахтачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари ҳам яхши ривож топди. Дон, мева, сабзавот етиштириш кўпайди. Чорвачилик, пиллачилик каби муҳим тармоқлар юксалди. Гўшт, сут, жун, тухум етиштириш планлари ортиғи билан бажарилди. Колхозда қорамоллар, сигирлар, қўйлар, чўчқалар сони планга нисбатан бирмунча ўсди. Уларнинг маҳсулдорлиги ортди.

Қўлга киритилган ютуқлар бизни қаноатлантирмайди, албатта. Биз беш йилликнинг охирги йилини пахтачиликни янада юксалтириш йилига айлантирамиз. КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини баланд руҳ билан кутиб олган колхозимиз пахтакорлари бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказишга қарор қилдилар. Давлатга 5660 тонна «оқ олтин» топширамиз. Ялпи ҳосилнинг 60 процентини машинада териб оламиз. Она-Ватанга беш йиллик планга қўшимча равишда 3600 тонна пахта етказиб берамиз.

Юксак маррани эгаллаш учун қандай асосларимиз бор? Тўхтахон Юнусалиева бригадаси ҳосилдорликни бултургига нисбатан гектар бошига 5 центнер, Т. Тўпчибоев, У. Нишонов, Қ. Абдиев, Т. Мирзаев М. Эралиев бригадалари эса 3-4 центнер ошириб, 45-43 центнерлик маррани эгаллашга сўз берди. Колхознинг ўртача даражасидан анча паст ҳосил олган бригадалар ҳам бор. Биз шу бригадаларда ҳам ҳосилдорликни ошириш чораларини кўрмоқдамиз.

Колхозимизда керакси ариқлар, уюлиб ётган зовур тупроқлари, бетартиб экилган тутлар кўп. Уларни тартибга соламиз. Шу йўл билан баҳоргача 10 гектар ер ўзлаштириб, қишлоқ хўжалик оборотига киритамиз. Экин майдонининг кенгайиши ҳам ялпи ҳосилнинг кўпайишига хизмат қилади. Ҳозир 6 та бульдозер, 4 та скрейпер ва грейдер ер текислаяпти, ерга ер қўшмоқда. Далага маҳаллий ўғит чиқариш қизғин тус олган. Бу ишга 10 та прицеп биркитилган. Барча экин майдони кузда фосфор ва маҳаллий ўғит солиниб, чуқур ҳайдаб қўйилган. Суғориш тармоқлари тозалаб бўлинди.

Колхоз устахонасида айниқса иш қизғин. Ҳайдов ва чопиқ тракторлари, чигит экадиган сеялкалар, чизеллар, бороналар ремонти тугалланиш арафасида.

Хўжаликни комплекс юксалтирамиз. Дон етиштиришни ҳар қачонгидан ҳам кўпайтирамиз. Ҳар гектар майдондан 85 центнердан маккажўхори дони, 600 центнердан кўкпоя, 140 центнердан беда пичани олиш учун курашамиз. Сабзавот, мева, узум, гўшт, сут, тухум, пилла етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1975 йилга белгиланган барча халқ хўжалик планларини ортиғи билан бажарамиз.

Чорвачиликни сердаромад тармоққа айлантирамиз. Қорамоллар, хусусан, сигирлар туёғини анча кўпайтирамиз. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини ўтган йилдагига нисбатан 500 килограммдан ошириб, 2500 литрга етказамиз. Давлатга сут сотишни 25 процент, гўшт сотишни 15 процент кўпайтириш тадбирларини ишлаб чиқдик.

Партия Мурожаатида айтилганидек, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу йил деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини 10 процент, чорвачиликда эса 20 процент оширамиз. Колхозимиз меҳнаткашлари мусобақаси ана шу шиор остида кенг авж олдириб юборилди.

Шомурод ОЛИМОВ.
Андижон область Жалолқудуқ районидаги Ильич номли колхоз раиси.

ШЎР ЮВИШ ТУГАЛЛАНДИ

Сирдарё областининг азамат пахтакорлари КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан беш йиллликнинг якунловчи йилида она-Ватанга ҳар қачонгидан ҳам кўп — 350 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга ахд қилишган. Қўриқ воҳанинг дала меҳнаткашлари шу кеча-кундузда бўлғуси ҳосилга пухта замин яратмоқдалар. Шу кунга қадар 130 минг гектардан ортиқ ернинг шўри ювилиб, бу соҳадаги план ошириб адо этилди. Бу ўтган йилдагидан 55 минг гектар кўп демакдир.

Ҳозир қўриқ воҳа далаларида қишки тадбирлар муваффақиятли ўтказилмоқда. Жумладан ,ариқ-зовурлар тозаланиб, далаларга маҳаллий ва минерал ўғитлар чиқарилмоқда. Шунингдек янги тутзорлар барпо этилмоқда. Техника ремонти ҳам жадал суръат билан бормоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

Беш йиллик марду майдонлари

КАМОЛОТ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамоннинг кўксида ҳали қўша-қўша орден-медаллари йўқ. Катта йиғинларда сўзламаган ҳам. Аммо, у ўзининг ҳалол ва фидокорона меҳнати билан эл оғзига тушган ишчи аёллардан.

Қолаверса, уни излаб топиш ҳам қизиқ бўлди. Область партия комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Ольга Ларионовна Попова Урганч саноат корхоналарининг беш йиллик илғорлари рўйҳатидан унинг номини кўрсатди. Тўғри у ишлаётган сут маҳсулотлари заводига бордик. Заводда уни ҳамма таниркан. «Илғор ишчи. Ташаббускор. Интизомсизликка тоби йўқ», — дейишди бир оғиздан. Фақат корхона ходимларидан бири:

— Яхши ишлайди-ю, озроқ қизиққонлиги бор. Ёзиш қандай бўларкин? — деб қолди.

— Ия, буёғи қандай бўлди. Ахир, унинг номзодини областга берган ўзларингиз-ку!

— Ҳа. Ўзимиз-у, аммо орденли ишчиларимиз бор, уларни ёзинг.

— Ана холос! Янги қаҳрамонлар-чи?

Суҳбатдошимизнинг номини атайлаб келтирмадик. У бусиз ҳам энди ўзининг ўша гапидан уялиб юргандир.

Дарвоқе, биз ҳаммамиз кўксига нишон таққанларни ёзишга одатланиб қолганмиз. Лекин, ҳамма ҳам орден олиб, депутат бўлавермайди. Тақдирланмаган қаҳрамонлар, фидокор ишчилар камми?!

Одамларга меҳр-оқибатли, меҳнатга ташна, оиласига ғамхўр, корхона шуҳратига куйинчак ишчи синфининг не-не қаҳрамонлари, вакилу вакиллари бор!

Шундайларнинг бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

ЛАВҲА

Инсон табиати қизиқ. Биров врач, биров ўқитувчи, биров ишчи ёки деҳқон бўлиш орзусида яшайди. Султонпошша ишчиликни танлади. Эсимда: мактабда ўқиб юрган кезларида касб танлаш ҳақида махсус кеча бўлди. Ушанда шаҳардаги сут маҳсулотлари заводидан кўксида нишон тўла кекса бир ишчи келиб «Меҳнатим— зебу-зийнатим» деган темада суҳбат ўтказди. Ёшгина Султонпошшада ишчиликка бўлган ҳавас ўшанда уйғонди. Гоҳ-гоҳ заводга бориб турди. У ердаги турли касбларни кузатди. Ўзига маъқулини излади. Ойлар ўтди. Мактабни тугатиб, яхшигина бир оилага севимли келин бўлди. Аввалига у келининг вазифаси уйда ўтириш экан, деб тушунди. Супириш-сидириш ишларидан зерикди. Қолаверса, уйда унга унчалик иш ҳам йўқ эди. Меҳрибон қайнонаси ёш келининг қўлини совуқ сувга урдирармиди?!

— Нима қилсам экан? Уйда ўтиравераманми? — сўради у ўзидан ҳам, умр йўлдошидан ҳам. Одамлар ойга учяпти, ер очяпти, тоғларни кесиб, каналлар қазияпти, сувдан, газдан нур оляпти... Нега энди мен қуриш, яратиш эркин бўлган шундай замонда уйда зерикиб, бекор ўтиришим керак экан? Боғча, ясли, мактаб — ҳаммаси муҳайё. Эртасига у эри билан бамаслаҳат заводга ишга борди. Шогирд тушди. Қатиқ, қаймоқ, сузма каби ўттизга яқин маҳсулот тайёрлаётган мураккаб аппаратларни кўриб ҳайратга тушди. «Эпполмасам керак» ўйлади у. Кейин дадил, чаққон ҳаракат қилаётган аёлларга боқиб ҳаваси ортди.

— Мана шу аппаратда ишлайсиз, тилини топсангиз, ютуқ сизники, — дейишди унга. Султонпошша мураккаб аппарат билан тил топишиш учун ишга жон дили билан берилиб кетди. Кўп ўтмай пухта ўрганиб олди. Дастлаб у ишлаб чиқаришнинг энг осон йўналишида ишлади.

Ҳар бир ишчи босиб ўтиши керак бўлган кўп босқичли йўлни у ҳам четлаб ўтолмади. Ҳозирги мураккаб йўналишда ишлагунча бригада бошлиғи даражасига етгунча, эҳ-ҳе, қанча қийинчиликларни кўрмади, дейсиз?

Тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида корхона коллективи йиллик планни барвақт бажарди. 3 миллион 950 минг сўмлик ўрнига 4 миллион 292 минг сўмлик аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Султонпошша Иброхимова меҳнат қилаётган цехда эса пландагидан 810 тонна кўп сут-қатиқ маҳсулотлари тайёрланди. План 118 процент бажарилди. Маҳсулотларнинг уч турига давлат сифат белгиси берилди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириш, техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш — бригаданинг аҳду-муддаоси бўлиб қолди.

Бу ерда ҳар бир ишчи икки-уч турдош касбларни ўрганиб олган. Бирор ишчи қандайдир сабаб билан ишга келмай қолса, унинг аппарати бекор туриб қолмайди. Касбдошларидан бири қўшнисининг ҳам ишини уддалаб кетаверади. Иш сифатига масъулият ортди, мавжуд резерв ва имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга эътибор кучайди.

...Султонпошша одатига кўра цехни айланиб юрувди, меъёрида тўлдирилмасдан ёпилган қатиқ шишаларини кўриб дили хуноб бўлиб кетди.

— Ойгул, озроқ ҳафсала билан ишлагин, ахир. Буни қара, шишаларга етарлича солмабсан-ку, ишингни техника назорат бўлимида брак қилишади-я? Бригаданинг кунлик графиги бажарилмай қолса, нима деб жавоб берамиз?

Бригадир ана шундай куйинчак, талабчан. Бригаданинг ҳар бир аъзоси астойдил меҳнат қиляпти. Ойгул Хониёзова, Ойхоним Бобоева, Санамжон Худойберганова сингари касбдошлари Султонпошшага қанот бўлмоқда. Уларнинг ҳар бири ҳозирги кунда якунловчи йилнинг сўнгги кунлари ҳисобига ишламоқда. Табиат бир олам ғайрат берган уларга. «КПСС XXV съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб оламиз!»— шиори ҳар бирининг қалб сўзига айланган.

Иш куни тугади. Ишчилар оқ халатларини ечиб ташқарига чиқдилар. Завод дарвозасигача олиб борувчи йўл яна одамлар билан тўлиб кетди. Лекин, улар бу сафар ишга эмас, завқли ва баракали ишдан кейин уйларига кетяптилар. Уларнинг сафида Султонпошша Иброхимова ҳам бор. «Иш тугади, сменна планим 115 процент... Ҳозир уйга бораман, овқатга еннайман... Адаси бугун эртароқ қайтмоқчи эди-я? Кечқурун мактабга ҳам бирров ўтишим керак... Ота-оналар мажлиси бор, дейишаётганди. Борди-ю мажлисга адаси ўтса, мен уйда кичкиналарни ювинтираман... Қўшнимиз касалхонадан чиқибди, кириб ҳолаҳвол сўраб қўйишим керак. Ишхонада бир аппарат ишламай қўйди. Эртага инженерга айтаман». Буларнинг ҳаммаси Султонпошшанинг бугунги, эртанги ташвишлари эди.

Шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган серсув Шовот канали оқимига ўйчан тикилиб боряпти у. Кўнглидан ҳали сиз ва биз билмаган яна қандай гўзал ва ўтли хаёллар кечаётган экан? Нималарни режалаштириб, нималарни ўйлаётган экан? Биз учун биттаси аниқ: ташқи кўринишни оддий ва содда бу ишчи аёл кўркам ички ўйлари, мақтаб ёзишга арзигулик гўзал маънавий кечинмалари билан бор-япти.

Р. ЗАРИПОВА.

ПЛАНЕТАМИЗДА

Совет—Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг 20 йиллигига

ЯНГИ УФҚЛАР

Ҳиндистон яқинда республика деб эълон қилинганлигининг 25 йиллигини байрам қилди. Бугун эса Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик қилаётганлигининг 20 йиллигини нишонлаяпти.

Ҳиндистон мустақиллигининг чорак асри давомида мустамлакачилик ҳукмронлигидан мерос бўлиб қолган ўта қолоқ ва хонавайрон бўлган экономикани тиклаш ҳамда ривожлантириш, аҳолининг асрлар оша давом этиб келган қашшоқлигини тугатиш каби соҳаларда муҳим социал ва иқтисодий қайта қурилиш ишлари анчагина муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Экономикада давлат секторининг позицияси мустаҳкамланиб бориши туфайли чорак аср давомида Ҳиндистон республикаси ўзининг индустриал базасини вужудга келтириш ва ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини кўтариш, чуқур социал қайта қурилиш борасида муҳим қадамлар ташлади. Бундан 20 йил муқаддам, 1955 йилнинг 2 февралида СССР ва Ҳиндистон ўртасида тузилган иқтисодий ҳамкорлик шартномаси ёш республика ҳаётида айниқса катта роль ўйнади. Натижада ҳозирги Ҳиндистон атом реакторлари ва мураккаб электрон аппаратлари, нефть минораларию, кудратли металлургия комбинатлари мамлакатига айланди. Ҳиндистон ҳукумати томонидан мамлакат экономикасини кўтариш ва мустамлакачилик сарқитларини тугатишга қаратилган муҳим тадбирлар белгиланди. Мамлакатда қатор беш йилликлар амалга оширилиб, СССРнинг доимий ёрдамида жиддий иқтисодий ютуқлар қўлга киритилди. Ҳамкорлик плани асосида қурилган металлургия заводларининг қуввати сўнгги йиллар ичида 1,5 миллион тоннадан 9 миллион тоннага етди. Осиёнинг жанубидаги энг йирик корхона бўлиб ҳисобланган Бакародаги металлургия комбинати эса яқин кунлар ичида йилига 10 миллион тонна пўлат бера бошлайди. Бакаро, деб таъкидлаган эди Ҳиндистон бош министри Индира Ганди, Совет — Ҳиндистон самарали дўстлигининг рамзи, Ҳиндистоннинг иқтисодий мустақилликка эришиш йўлидаги шонли бир босқичдир. Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган Бхилаи металлургия комбинати, давлат қишлоқ хўжалик фермалари Совет — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлигининг ёрқин намунасидир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мустамлакачилик вақтида инглиз маъмурлари Ҳиндистонда нефть саноатининг ривожланишига атайлаб тўсқинлик қилиб келган эдилар. Бироқ мустақилликка эришган ёш республикада нефтга бўлган эҳтиёж ортиб, нефть бойликларини қидиришга киришилганда республикани иқтисодий тазйиқ остига олиш мақсадида чет эл бирлашмалари бундай ҳаракатни бефойда уриниш деб, кулги қилган эдилар. Лекин Совет Иттифоқининг ёрдамида 50-йилларнинг охирида Ҳиндистонда бой нефть конлари топилиб, бир неча нефть тозалаш заводлари қуриб берилгач, чет эл — монополияларининг Ҳиндистонда нефть йўқ деган даъволари чиппакка чиқди.

Мустақилликнинг чорак асри давомида Ҳиндистон қишлоқ хўжалигининг ҳам қиёфаси ўзгарди. Ер-сув ислоҳоти ўтказиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, ирригация иншоотлари ва комплекс гидроэнергетик системаларини қуриш соҳаларида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилди. 1969 йилда тузилган махсус давлат кооперациясининг фаолияти эса Ҳиндистон қишлоқларини электрлаштиришга қаратилган бўлиб, ҳозиргача Андхара-Прадеш, Гужарот, Карнатак, Махараштра ва Уттар-Прадеш штатларининг ўзида 16 минг қишлоқ электр чироқлари билан таъминланди, қурғоқчил районлардаги деҳқонларга сув чиқариб бериш учун 80 минг насос станцияси ҳам электрлаштирилди.

Ҳиндистон қишлоқ хўжалик далаларида ишлаб турган 30 мингдан ортиқ совет тракторларидан ташқари, у ердаги 7 та корхонанинг ўзи 1972 — 1973 йилларда яна 30 минг трактор ишлаб чиқарди. Қишлоқ хўжалик моддий-техника базасининг бундай мустаҳкамланиши маҳсулот етказишни кескин кўпайтиришга олиб келди. 1950 йилда 160 минг тонна чой ҳосили олинган бўлса, 1973—1974 йилларда 460 минг тонна ҳосил олинди, ғалла эса шу даврнинг ичида икки баробар кўпайди.

Ҳозирги кунда миллий экономикани ривожлантиришнинг бешинчи беш йиллик (1974—1979 йиллар) планида халқнинг турмуш даражасини яхшилаш, қашшоқликни йўқотиш, мамлакатнинг индустриал базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш кўзда тутилган бўлиб, бу мақсадлар учун 534 миллиард 110 миллион рупий капитал маблағ ажратилди.

Ҳиндистон миллий экономикасини ривожлантирувчи перспектив планлар реакцион кучлар оғиз кўпиртириб айтганидек, «нореаль» план бўлмай, балки улар ҳозирги замон фан ва техникасининг эришган ютуқлари, социал иқтисодий қайта қурилишлар соҳасида улкан тажрибага эга бўлган Совет давлати ҳамда бошқа социалистик давлатларнинг дўстона ёрдамларига асосланган реал планлардир. Ҳиндистон Миллий Конгресси партиясининг йил сайин прогрессив қайта қурилишларни амалга ошириш учун СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун кураши, Ҳиндистон Коммунистик партиясининг барча демократик ва ватанпарвар кучларни ўз атрофига бирлаштириши қўлга киритган ютуқлари, Индира Ганди ҳукуматининг дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсати, энг муҳими Совет Иттифоқи билан бўлган дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш бу планларни муваффақиятли амалга ошириш, мамлакат иқтисодий мустақиллигини тўлиқ таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

1973 йилда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳиндистон республикасига қилган тарихий визити ҳам муҳим халқаро аҳамият касб этиб, бу визит СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстона алоқалар ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда янги уфқлар очиб берди.

Э. ҒУЛОМОВ,
Тошкент халқ хўжалик институтининг катта ўқитувчиси.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

ХАРТУМ, (ТАСС мухбири). Қизил денгиз яқинидаги тоғларда бой фойдали қазилма конлари бор. Фиръавнлар давридаёқ бу ерда олтин қазиб олинган, темир руда кони топилган эди. Лекин Суданнинг шу районида фойдали қазилма конларини системали равишда тадқиқ қилиш фақат сўнгги йиллардагина бошланди.

Совет Иттифоқи билан Судан ўртасида тузилган иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ 4 йил мобайнида бу ерда бир группа совет мутахассислари ишлади. Геофизик тадқиқотларнинг натижалари тўғрисида совет мутахассислари тайёрлаган доклад Судан ҳукуматига топширилди. Докладда Қизил денгиз бўйидаги тоғлар айрим районларининг истиқболли эканлиги тўғрисида гапирилади. У ерда қидирув ишларини давом эттириш натижасида темир, рангли металлар ва бошқа фойдали қазилмалар топилиши мумкин.

Республика саноати ва ер ости бойликларини казиб олиш министрлиги геология департаментининг директори Абдул Латиф ТАСС мухбири билан қилган суҳбатида фойдали қазилма конларини разведка қилиш соҳасида иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик натижаларидан мамнун эканлигини изҳор этди. Совет геологлари билан бирга ишлаган суданлик мутахассислар катта амалий тажриба орттирганликларидан ҳам хурсандмиз, деди у. Биз шу самарали ҳамкорликни давом эттиришга интиламиз, деб таъкидлади Абдул Латиф.

В. ЛЕБЕДЕВ.

Г. ШМИДТ БАЁНОТИ

БОННГ, (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг канцлери Г. Шмидт бундестаг мажлисида ҳукумат номидан баёнот берди. У ўз баёнотида муҳим сиёсий проблемаларга тўхталиб ўтди. Г. Шмидт айтдики, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Совет Иттифоқи билан ва социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш сиёсатини давом эттиришга қатъий қарор бергандир. В. Брандт—В. Шеель ҳукумати ана шу сиёсатга асос қўйган эди.

Шу муносабат билан Г. Шмидт қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: социалистик мамлакатлар билан шартнома ва битимлар тузиш йўли билан шарқий сиёсатнинг амалга оширилишини таъминлаш тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

«Биз, — деди Г. Шмидт, — бу сиёсатни ўзгартириш учун ҳеч қандай асосга эга эмасмиз, чунки бу сиёсат қисқа вақт ичида 50- ва 60-йилларда катта шов-шувга сабаб бўладиган муваффақиятларни қўлга киритиш имконини берди».

Канцлер халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш кераклигини айтди ва бу жараён кенг қўламда хавфсизлик ўрнатилишига, тинчлик ва иқтисодий тараққиётни таъминлашга ёрдам беради, деб уқтириб ўтди.

Канцлер айтдики, Германия Федератив Республикасининг ҳукумати Совет Иттифоқи билан ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий, илмий ва техникавий алоқаларни кенгайтиришга интилади. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда ва Марказий Европада қуролли кучларни ҳамда қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан Венада ўтказилаётган музокараларда ижобий натижаларга эришиш учун зўр бериб ҳаракат қилади.

Г. Шмидт Германия Федератив Республикаси стратегик қурол-яроғларни чеклаш ҳусусида Совет Иттифоқи билан Америка ўртасида олиб борилаётган музокараларнинг муваффақият қозонишидан ҳам манфаатдор эканлигини таъкидлади.

Сўнгра Г. Шмидт Германия Федератив Республикаси билан Германия Демократик Республикаси ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, ГФР ҳукумати бу муносабатларни «яхшилаш мақсадида зўр бериб ҳаракат қилаверади», деб таъкидлади.

Г. Шмидт айтдики, ГФР билан ГДР «сиёсий ва амалий масалалар юзасидан доим бирбири билан алоқа қилиб турибди».

Канцлер Германия Демократик Республикаси билан муносабатларда «ўзаро манфаатли ҳамкорлик» сиёсатини ўтказиш зарур эканлигини ҳам уқтириб ўтди ва ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномани мустаҳкамлаш муҳим эканлигини айтди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **БЕРЛИН.** Бу ерда Герман—Совет дўстлиги жамияти марказий правлениесининг мажлиси очилди. Мажлисда фашизмдан озод бўлган куннинг 30 йиллигига тайёргарликнинг бориши муҳокама қилинади. ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Герман—Совет дўстлиги жамияти марказий правлениеси президиумининг аъзоси Э. Мюккенбергер мажлисда ана шу темада доклад қилди.

◆ **ПАРИЖ.** «Хотин-қизлар бугун ва эртага» — Парижда очилган марксистик фикрлар ҳафталиги шу мавзуга бағишланди. Бундай ҳафталик марксистик тадқиқотлар маркази томонидан ҳар йили ўтказилади. Франция Коммунистик партиясининг шу йирик мафкуравий тадбири чоғида капиталистик жамиятда хотин-қизларнинг аҳволи, меҳнаткашларнинг идеологик ва синфий курашида уларнинг роли билан боғлиқ бўлган проблемалар, шунингдек ёш авлодни тарбиялаш масалалари қараб чиқилади.

◆ **ЖЕНЕВА.** Швейцариянинг нефть маҳсулотларига бўлган талабининг салкам 20 процентини таъминловчи Кресьедаги қайта ишловчи завод номаълум муддатга ёпиб қўйилди. Корхона дирекцияси заводнинг ёпиб қўйилганлигини «Швейцария бозорида аҳволнинг ёмонлашганлиги сабабли» маҳсулотга талаб камайиб кетганлиги билан изоҳламоқда. Маъмуриятнинг қарори натижасида 250 ишчи ишсиз қолди.

◆ **МОГАДИШО.** Бу ердаги совет маданияти марказида СССРда халқ маорифининг ривожланишига бағишланган Совет — Сомали дўстлиги кечаси бўлиб ўтди. Кечанинг иқтидор меҳмонлари — ўқитувчилар, ўқувчи ёшлар, ёшлар ташкилотларининг активлари Совет Иттифоқидан келган ўқитувчиларнинг нутқларини қизиқиб тингладилар, «СССРда маорифнинг ривожланиши» деган фотовиставка билан танишдилар, иттифоқдош республикаларда маориф системасининг иши тўғрисидаги фильмни томоша қилдилар.

◆ **БАЙРУТ.** Исроил босиб олинган араб территорияларида террор ва зўравонлик давом этмоқда. Фаластин информация агентлиги Исроил маъмурлари сўнгги кунларда Ғазо секторида араб аҳолисини оммавий тинтув қилганлиги ва қамоққа олганлигини хабар қилди. Босқинчилар тинч аҳолига қарата бир неча марта ўт очдилар. Натижада ўлганлар ва ярадор бўлганлар бор. (ТАСС).

Саҳифада:

- КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАСИ
- ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА
- САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР
- ДУСТЛАР ДАСТУРХОНИГА
- КАСАЛЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА ЛАРИ
- ИНГЛИЗ ФУҚАРОСИНИНГ МИННАТДОРЧИЛИГИ.

Қиргизистон ССР. «Эделвейс» — Тянь-Шан районидаги Карл Маркс номли колхоз комсомол ёшлар чорвачилик бригадасини шундай деб аташади. Бригада Жонбулоқдаги ўрта мактабни битириб чиққан ўқувчилардан ташкил топган. Йигит-қизлар бу ерда ферма чўпонлари, молбоқарлари ва тракторчилари бўлиб ишлашади. Ёш чорвадорлар 700 тонна ем-хашак жамғариб, қишлов жойларига ғарамлаб қўйганлар. Эделвейс — тоғда очиладиган бойчечакдир. Суратда: Эделвейс бригадасининг бош чўпони Ш. Ўрозбекова. Ҳозир у отаси бошқарган отарни боқмоқда. Кенса чўпон эса ҳозир қарилик гаштини сурмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

САНЪАТДА КАМОЛ ТОПГАНЛАР

ҚЎШИҚ АЙТГАН ЕТАР МУРОДГА...

Нозиктаъб қўшиқ шинавандаларига ҳар қандай хонанда ҳам ёқавермайди. Талантли қўшиқчининг пайдо бўлиши ҳалқни ғоят мамнун этди. У илк бор республика радиоси орқали «Зор қилмасангчи», «Ёр, уйғонмадинг», «Кулишинг жонон» ашулаларини ўзига хос оҳангда жозиба билан куйлади. Ушандан буён санъат мухлислари бу қўшиқчи билан қизиқиб қолдилар, ижро этган ашулаларини такрор-такрор эшитишни сўраб, радиокомитетга хат ёзадиган бўлдилар.

Тожиддин — профессионал санъаткор эмас. У ҳаваскор эди. Эл оғзига тушишгача бўлган давр унинг учун изланиш ва камолот йиллари бўлди.

Хонаданинг ёшлиги Ульянов районидаги Женов қишлоғида ўтди. Қишлоқдаги Лермонтов номли ўрта мактабда ўқиб юрган пайтлар бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг фаол иштирокчиси эди. Отаси Муродхон классик адабиётни яхши билар, Жомий, Фирдавсий, Навоий, Фузулий, Машраб ғазалларини ўзига хос овозда, «қўшиқ» қилиб ўқирди.

— Болалигимда дадамнинг китоб ўқишларига гўё музика тингларгандек қулоқ осардим, — деб эслайди Тожиддин. — Қўшиққа, мусиқага муфтунлигим шундан бўлса, ажаб эмас.

Қарши давлат педагогика институтининг физика-математика факультетида ўқиш йиллари Тожиддин учун ҳаёт мактаби, шу билан бирга ижодий камолот мактаби вазифасини ўтади. Институт миқёсида ўтказилган турли байрамлар, учрашувлар, адабий кечалар унинг қўшиқларисиз ўтмасди.

1961 йилнинг ёзида Тошкентда яккахон ашулачиларнинг республика конкурси ўтказилди. Бу маҳорат синовига студент Т. Муродов ҳам қатнашиб, санъатини намойиш этди. Жюри ҳайъати унинг ижрочилик маҳоратини юқори баҳолади, конкурс ғолиби бўлди. Бу Тожиддинни янада руҳлантирди, маҳоратини бундан кейин ҳам ошириб боришга илҳомлантирди.

У институтни битириб, бир неча йил ўқитувчилик қилди, мактабларда ҳаваскорлик тўгаракларини ташкил этиб, ёшларга хонандалик сирларини ўргата бошлади. Кунлардан бирида у яшайдиган қишлоққа область театри артистлари гастролга бориб қолишди. Тожиддин ижросида қўшиқлар тинглашгач, уни театрга таклиф этишди. Шу-шу бўлди-ю, Т. Муродов Сурхондарё область театрида солист бўлиб ишлай бошлади. Бу ерда у профессионал санъаткорлар кўмагида кўп нарсаларни билиб олди. Бунда айниқса Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Муҳиддин Мажидов, артист Жамил Ашуров, бастакор Раймжон Комилжоновларнинг хизмати катта бўлди. Санъат масканида Тожиддин хонанда бўлиши билан бирга спектакларда кичик ролларни ҳам ижро эта бошлади, оммавий саҳналарда қатнашди. Ўзбек музикали драмалари унга анча кўл келди.

1968 йилдан буён Тожиддин Муродов Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё область театрида ишлаяпти. Тожиддинни гоҳ драма актёри сифатида саҳнада, гоҳ чўлқуварлар диёрининг пахтакорлари ҳузурида, чорва яйловларида чўпон-чўлиқларга қўшиқ қуйлаб турган пайтда учратасиз. У тиниб-тинчимас санъаткор.

Тожиддин — чўл фарзанди. Шу боиси, унинг қўшиқларида асрий чўлни жаннатмакон ўлкага, боғроғларга айлантирганлар, босган қадами қутлуғ марди-майдонлар мадҳ этилади:

Қашқадарё жиловланди
қўлларда,
Канал тўлиб, сувлар оқди
чўлларда.
Гуллар унди бизлар юрган
йўлларда,
Сизга бағишладим дил
каломимни,
Дўстлар, қабул этинг қалб
саломимни.

Тожиддин Муродов йил оша ўз репертуарини янги-янги қўшиқлар билан бойитиб, уларга сайқал жило беради. Унинг репертуарида ўзбек классик ғазалларидан тортиб, замонавий қўшиқларгача бор. Айниқса у классик қўйлардан «Гулузорим», «Ирок», «Сегоҳ», Фузулийнинг «Ғамза»си, Машрабнинг кўпгина ғазалларини севиб куйлайди.

Хушовоз хонанда талантининг камол топишига, маҳоратининг ўсишига театр санъаткорлари сафида қардош Туркманистон, Тожикистон, Қорақалпоғистон республикаларига гастроль сафарларига бориши муҳим роль ўйнамоқда. У қардош санъаткорлардан кўп нарсаларни ўрганди. Туркман, тожик, озорбайжон қўшиқлари билан репертуарини бойитди.

Тожиддиннинг театр остонасига қадам қўйганига ўн йил бўляпти. Йиллар унинг камолига-камол қўшиб, эл-юртга танитди. Т. Муродов театр саҳнасида бир қатор образлар яратди: «Жон қизлар» комедиясида Эрка чўпон, «Инқилоб лочинлари»да Коровил, «Майна Ҳасанова»да юзбоши роллари шулар жумласидандир.

Яқинда Тожиддин Муродов ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Унга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» деган унвон берилди. Бу, уни янги, юксак ижодий парвозларга руҳлантириши шубҳасиз.

П. ГАДОЕВ,
А. ҲАСАНОВ,

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ФАЗИЛАТИ

ЁРДАМ ҚЎЛИН ЧЎЗГАНЛАР

Англиянинг Ньюбигген шаҳрида истиқомат қилувчи бир шахтёр оиласи қизларининг кўриш қобилиятини тиклаб беришларини сўраб совет медикларига мурожаат қилди. Январь ойининг бошларида Фиона Коммингс ва унинг онаси Москвага келишди. Қизча Гельмгольд номидаги кўз касалликлари илмий-текшириш институтининг клиникасига жойлаштирилди.

Фионанинг касаллик тарихи билан танишамиз. Сўнгги диагноз: энг оғир дард — кўр бўлишга олиб келувчи касаллик. Совет медиклари бундай касалликни биринчи бўлиб даволаш ва унинг олдини олиш усулини топдилар.

Фиона даволанаётган палатада бизни лабидан табассум аримайдиган қизнинг ўзи кутиб олди. У совет врачларининг ёрдамида даволаниб, бу дард кўпдан-кўп дўстлар орттирибди. Улар ҳам қизалоқнинг қувончини баҳам кўришаётгандай. Уша куни Фионани профессор Лев Кацнельсоннинг ўзи қабул қилиб, кўрибди.

— Бизнинг группамиз бундай усул билан даволашни 1970 йилдан бери қўлланиб келади. Ишнинг натижаси шов-шувга сазовор бўлмаса-да, бундай оғир касалликни даволаш мумкинлигини кўрсатди, — деди профессор Канцельсон. Бизга келтирилаётган беморларнинг деярли ярмининг кўриш қобилияти қайтарилди...

12 февралда Фиона етти ёшга тўлади. Совет врачлари қизалоқнинг кўриш қобилиятини тўла равишда тиклаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

(АПН).

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«ЭЛЕКТРОН ДОНОР»

Ноорганик материаллардан ясалган плёнка қоплангган ним ўтказгич интеграл схемалар тез ишлайдиган янги электрон-ҳисоб машиналарининг пухта ва аниқ ишлашини гарантиялайди. СССР Фанлар академиясининг И. В. Гребеншчиков номли силикатлар кимёси институтининг мутахассислари микроэлектроника учун кўп хил шундай қопламаларни ишлаб чиқиб, жорий этдилар.

Маълумки, ҳозирги вақтдаги ним ўтказгич материаллар ишлаб чиқариш алоҳида мусаффо моддалар билан жуда кўп (юзтагача ва ундан ошиқ) технологик операциялар ўтказилишини тақозо қилади. Микроскопик пластинкага махсус диффузант деб аталувчи моддалар киритиш процесси ниҳоятда мураккабдир. Диффузант— пластинкани эркин ҳаракат қилувчи атомлар билан таъминлаб турадиган» ўзига хос «электрон донорлар»дир.

Ҳозирга қадар бу нарса газ муҳитидаги махсус юксак температурали печларда нимўтказгич пластинкаларга ишлов бериш билан боғланганди. Ленинградлик кимёгарлар электрон асбоб ва аппарат микроскопик узелларининг аниқлик даражасини ошириш учун газ ўрнида пухта назорат қилинувчи эритма ишлатишни таклиф қилдилар. Эритма кристалл пластина юзига тўзғитилади.

Янги технология кристаллга бир эмас, бир неча диффузант югуртиришга, иш характеристикалари оширилган кўп қаватли мураккаб нимўтказгич материаллар яратишга имкон беради. Янада ихчам электрон асбоблар яратишда бу айниқса муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда ленинградлик олимларнинг методи электрон саноатининг бир қанча етакчи корхоналарида муваффақият билан жорий этилмоқда ва каттагина иқтисодий самара бермоқда.

ИҲОТА ДОРИЛАРИ

Тайгада ишловчи дарахт кесувчилар, геологлар, қурувчилар кишига чивинлар нақадар азоб беришини яхши биладилар. Чивиндан сақланиш учун ҳар хил ёғлар ишлаб чиқарилади. Чивин ва бошқа хил ҳашаротларни қочирувчи бу дорилар ниҳоятда самарали бўлсада, унча кўпга етмайди, вақт ўтиши билан ўзининг хоссаларини йўқотиб боради.

Латвия ССР Фанлар академияси органик синтез институтининг олимлари шу камчиликни анчагина енгишга муваффақ бўлдилар. Улар дориларнинг молекуляр структурасига кремний органик бирикмалар киритишни таклиф қилдилар. Бу таклиф дори составининг турғунлигини бирнеча баравар оширди. Кийим-кечакка шундай дори пуркалганида у тўқима толасининг юзига яхши ўрнашиб, ювилиб кетмайди ва юз кунгача кўтарилмайди. Тайга шароитларида ўтказилган тажрибалар янгиликнинг самарадорлигини тасдиқлади. Шу йил органик синтез институтининг экспериментал заводида янгиланган препарат ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 10.05 — Гимнастика. 10.20 — Янгиликлар. 10.30 — «Будильник». 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — фигурали учиш бўйича Европа чемпионати. 13.00 — Музикали киоска. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — Бадиий фильм. 16.00 — Халқаро панорама. 16.30 — Мультфильмлар. **Лашарин. Маугли** (4-рияси). 17.00 — ТОШКЕНТ .17.05— Мультфильм. 17.15 — Янгра, барабан. 17.45 — **«Ахборот».** 18.00 — **Тўпли хоккей:** Финляндия — СССР (Москва). 18.45 — Ёшлар ижоди. 19.00 — Концерт. 19.40 — «Ахборот». 20.00 — МОСКВА. 22.30 — **«Вақт».** 23.00 — **Экран хандаси** (Тошкент). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — «Доре-ми-фа-соль». 10.55 — Мультфильм. 12.00 — Ўқув кўрсатувлари. 17.00 — **Киносаёҳатчилар клуби** (Москва). 18.00 — Тошкент опереттасида — премьера. 18.45 — **Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси** (7-серия). 20.00 — ТОШКЕНТ. 21.00— **Аршин мололон** (бадиий фильм). 22.20 — Ҳужжатли кино экрани. 23.00 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.00 — Фрунзе кўрсатади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/II да **Золушка** (12.00), **Кармен** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/II да **Қароқчилар.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/II да **Нурхон** (кундузи), **Турқман қизи** (кечқурун), 3/II да **Замонали ва Омонали.**

КИНО

Маккенининг олтинлари — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00), 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 13.00, 16.10, 18.30, 21.00).

Полициячи бўлган эди — «ДРУЖБА» (12.00, 14.00, 15.30, 17.15, 19.00, 21.30). «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Олтин будда сири — «ҚОЗОГИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Севишганлар қиссаси — «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Эркак ва қиз — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Оливер — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Янги центурионлар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Авлодлар нидоси— «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Колхозлар, совхозлар, Давлат ветеринария тармоқлари, илмий-тадқиқот институтлари, паррандачилик фабрикалари ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бошқа ташкилотлари ва совхозлар раҳбарлари диққатига!

«УЗГЛАВЗООВЕТСНАБ»
1976 ЙИЛ УЧУН
АГРОЗООВЕТТОВАРЛАРГА
ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШГА КИРИШДИ

Заявкалар территориал жойланиш бўйича «Зооветснаб»нинг область бошқармалари ва районлараро бўлимларига берилади.

ЗАЯВКАЛАР БЕРИШ МУДДАТИ — 1975 ЙИЛ 15 ФЕВРАЛГАЧА.

●

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

5, 6 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА СССР биринчилиги учун «А» классининг II группасидаги «МОТОР» (Барнаул) — «ВИНОКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА КЎРА

„СЕЗГИ“ ДАРДИ

Врач ҳузурига ўрта ёшли аёл кириб келди. У юзи ва бош териси тўсатдан қизариб, тошмалар тошиб кетганлигидан нолиб гапирарди. Маълум бўлишича, аёл анчадан буён сочини гамма бўёғи билан бўяб юрар экан. Бу ҳолатни врач изоҳлаб берди. Маълумки, гамма бўёғи таркибида «Урсол» моддаси мавжуд. Бу модда аёлга нисбатан алергенга айланган. Шу туфайли аёлда ана шу бўёққа нисбатан ўта сезувчанлик ҳолати пайдо бўлган. Натижада унинг терисида аллергик дерматит деб аталувчи касаллик қўзғалган. Ниҳоят, врач аёлга: «Гамма билан сочни бўяшдан ўзингизни тийсангизгина дард ариб кетиши мумкин», — деб маслаҳат берди...

Кейинги пайтда тиббиёт илмида «аллергия», «аллерген» деган иборалар бот-бот тилга олинадиган бўлиб қолди. Бунинг боиси, бор, албатта. Ҳозирги даврда аллергияни «цивилизация касаллиги» деб ҳам номлайдилар аллергия ҳасталигини келтириб чиқарувчи сабаблар—аллергенларнинг тури ва сони шу қадар ортиб кетдики, уларни бирма-бир санаб, ниҳоясига етиб бўлмайди.

Аллергияга мойил бўлган ҳар қандай инсон организми билан аллергенлар осонгина «тил топишиб», даҳол ўз комига тортади. (Аллергия сўзи асли юнонча бўлиб, аллос — ўзгача, бошқача қилиб айтганда, эргела — таъсирот маъносини англатади). Бу касалликни, асосан, аллергенлар — яъни аллергия ташиб юрувчилар қўзғатади. Натижада организмда мураккаб физиологик жараён кечади.

Кунларнинг бирида кўксов дардидан қийналиб юрган бир бемор ёрдам сўраб врачга мурожаат қилади. Бемор клиникага ётқизилиши билан, дард ҳуружлари ҳеч қандай дори-дармонсиз таққа тўхтайди. Лекин бемор уйига қайтиб келгач, уй юмушига уннаб, супуриб-сидириши туфайли дард ўша заҳотиёқ янги куч билан бошланади, қаттиқроқ ҳуруж қилади. Дарднинг қайталаб қўзғалишига бирдан-бир сабаб беморнинг уйида «яширинган» экан. Суҳбат давомида у уйни супуриб-сидириб йиғиштираётгандагина аҳволи оғирлашишини айтиб беради.

Хоналарни супураётганда кўтарилган чанг-тўзон бемордаги кўксов касаллигини қўзғатувчи бирдан-бир сабаб бўлиб, унда чангга нисбатан ўзида ўта сезувчанлик сезаркан. Бошқача қилиб айтганда, чанг аллерген вазифасини ўтаркан. Чанг билан бемор ўртасидаги «муносабат» бартараф этилган эди, бемордаги кўксов дарди чекиниб, кейинчалик у соғайиб кетди.

Пенициллин яратилиши туфайли қанчадан-қанча бемор ўлим чангалидан сақлаб қолинди. Ажабо, шифокорлар мушкулини осон қилган ана шу пенициллин айрим шахсларга нисбатан аллергенга айланиб қолди. Бу билан пенициллиннинг шифобахшлик шуҳрати сўнди демоқчи эмасмиз, албатта. Ўз-ўзини даволаш мақсадида врач назоратисиз истеъмол этилган ҳар қандай дори-дармонлар, ҳатто амидопирин ҳам баъзида аллергенга айланади. У инсон организмида шу дори-дармонларга нисбатан ўта сезувчанлик пайдо қилади. Буни дори-дармон аллергияси, деб аташади.

Ҳаёт учун зарур бўлган, айни вақтда безарар ҳисобланган гўшт, тухум, балиқ, сут, қулупнай айрим шахсларда ана шу маҳсулотларга нисбатан ўта сезувчанлик пайдо қилади. Озиқ-овқат аллергияси, деб аталувчи аллергияни қўзғатади. Баҳор фасли инсонга оламолам қувонч бахш этади. Ёнтеварак чаман-чаман гулларга бурканиб, хушбўй ҳидлар таралади. Бироқ, баъзи шахсларда табиатнинг ана шу инъомига нисбатан ўта сезувчанлик— яъни аллергия ҳолатини пайдо қилиб қўяди. Улар айрим гуллар ҳидини сира «ёқтирмайдилар». Бироқ, аллерген ҳисобланган гул иси бартараф этилсагина бемор ўзини яхши ҳис этиб, аллергия ҳолатидан холос бўлади.

Баъзи маълумотлардан шулар маълумки, маргарин ёғига қўшилган турли кимёвий моддалар ГФРда уч юз минг, Нидерландияда эса юз минг кишида аллергия касаллигини пайдо қилган.

Саноат корхоналаридан ҳавога кўтарилаётган ҳар қандай тутун ва бошқа чиқиндилар табиийки, ҳавони ифлослайди. Бу ҳол ўз навбатида аллергенларни вужудга келтиради. Бинобарин, бу нарса биринчидан аллергия касаллигининг тарқалишига сабаб бўлса, иккинчидан, эса инсон саломатлиги учун муҳим омил бўлган тоза ҳаводаги ультра бинафша нурлар миқдорининг кескин камайишига олиб келади. Шунга кўра, шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига қараганда аллергия касаллигига кўпроқ чалинади. Болалар эса катталарга нисбатан кўпроқ оғрийди.

Аллергия муаммоси ҳозир дунё медикларининг диққат марказида турибди. Иттифоқимизда бу дарднинг олдини олиш ва даволаш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

СССР Медицина фанлари академияси қошида махсус аллергологик илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилган. Бу ерда кенг қўламда аллергология сирларини очиш устида катта изланиш ишлари олиб бориляпти.

Яқинда республикамизда ташкил этилган аллергологик марказ касалликни даволаш ва унинг олдини олиш борасида катта амалий ишлар олиб бормоқда. Аллергия ҳасталигини супрастин, димедрол, гистаглобулин, нистатин, пипольфен сингари шифобахш дори-дармонлар билан даволаш мумкин.

А. УСМОНХЎЖАЕВ,
медицина фанлари кандидати;
М. УСМОНОВ,
доришунос.

А. Қ. ҚОБУЛОВ

СССР Ташқи савдо министрлигининг Ўзбекистон ССР Министрлари Совети ҳузуридаги вакили Аҳрол Қобулович Қобулов шу йил 1 февралда 62 ёшида тўсатдан вафот этди.

А. Қ. Қобулов 1913 йили Тошкентда деҳқон оиласида туғилди. У ўзининг меҳнат фаолиятини 1932 йилда Сурхондарё областининг Денов районидаги «Ҳазарбоғ» совхозининг механиклигидан бошлади. Кейинчалик Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Матбуот бошқармасининг ишлар бошқарувчиси, 1937 йилдан 1941 йилгача Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитетининг масъул ходими бўлиб ишлади. 1941—1946 йилларда Совет Армияси сафида хизмат қилиб, Улуғ Ватан урушида иштирок этди. А. Қ. Қобулов 1945 йили КПСС сафига кирди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги республика партия мактабини тугатганидан сўнг меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Октябрь район Совети ижроия комитетининг раиси, «Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари бўлиб ишлади. 1950 йили А. Қ. Қобулов партия раҳбарлик ишига— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг план-молия-савдо бўлими мудирининг ўринбосари, кейинчалик Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ишлар бошқарувчиси, савдо-молия ва план органлари бўлими мудирилиги лавозимига кўтарилди.

1963 йилдан бошлаб А. Қ. Қобулов СССР Ташқи савдо министрлигининг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги вакили бўлиб ишлади.

А. Қ. Қобулов Ватан олдидаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат белгиси» орденлари ҳамда медаллар билан мукофотланган эди.

Принципиал коммунист ва толмас дўстимизнинг ёркин хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

БИР ГРУППА УРТОҚЛАРИ.

СССР Ташқи савдо министрлигининг Ўзбекистон ССР министрлари Совети ҳузуридаги Давлат инспекцияси ва Тошкент таможняси коллективлари министрлик вакили

Аҳрол ҚОБУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўрта Осиё ишчилар таъминоти бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари Чодоқ ишчилар таъминоти бўлимининг бошлиғи

Зайналобиддин Жалолович АППАХОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология бўлими коллективи катта илмий ходим, биология фанлари кандидати С. Халиловга акаси

Приверди ХАЛИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

Мева ва сабзавот

НАМАНГАН. Шаҳар консерва заводи 200 минг сўмлик маҳсулот жўнатиб, беш йилликнинг якунловчи йилида январь ойи маҳсулот реализация қилиш планини муддатидан илгари бажарди. Наманганликлар Сибирь, Узоқ Шарқ, мамлакатнинг Европа қисми меҳнаткашларига 20 хилдан кўпроқ 1,3 миллион шартли банка мева ва сабзавот консервалари юборишдилар.

Техника хизмати

ВЕРХНЕВОЛИНСК. Ворошилов райони марказида Сирдарё областида биринчи юк автомобилларига техника хизмати кўрсатадиган станция ишга туширилди. Бу корхона бир йил ичида 600 автомобилни профилактика ва жорий ремонт қила олади.

Мутахассислар—қурилишларга

ШОВОТ. Бу ердаги ҳунар-техника билим юртини бир қанча ишчи ёшлар битириб чиқди. 180 ғишт терувчи, дурадгор, бўёқчи Хоразм қурилишларига юборилди.

Корхона маҳсулоти—чет элларга

ҚУҚОН. «Большевик» заводи чет мамлакатлардан олинган биринчи заказни бажарди. Суриядаги бош нефть компаниясига 180 та юксак босимли винтель юборилди. Болгария ҳамда Венгрия кўпгина нефть ва газ ускуналари олдилар. Беш йилликнинг якунловчи йилида 20 га яқин мамлакат шу корхонанинг маҳсулотини олади.

Яна бир қулайлик

ДИМИТРОВО. Бу ерда 50 иш ўрнига эга бўлган маиший хизмат уйи фойдаланишга топширилди. Икки қаватли бинода этикдўзлик ва тикувчилик ишхоналари, прокат пункти, кийимларни кимёвий тозалаш корхонаси бор. Бу йил Гулистон ва Оқолтин районларида ҳам худди шундай янги маиший хизмат корхоналари қуриш мўлжалланади.

Газ кўпаяди

ҚЎҚИРОТ. «Бухарагазпромстрой» трести иккинчи бошқармаси Устюртда «Дарёлик» компрессор станциясининг иккинчи навбатини қура бошлади. Бу ерда ўрнатилган ва ҳар бири 10 минг киловатт қуватга эга бўлган турбоагрегат билан газни Ўрта Осиё—Марказ магистрали орқали юборишни анча кўпайтиришга имкон беради.

АХБОРОТ: ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР — Коммутатор — 330249 дан 330258 гача; Эълонлар — 338142.

Р. 01193. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 28.